



# ГАЛАБА ҚИШЛОҒИГА ҲАММА МАДАДКОР



Урганч тумани Галаба қишлоғи ҳудудидаги фермер хўжаликлари деҳқонлари 275 гектар майдонга буғдой уруғи қадаб, ҳар гектар майдондан 25-30 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. Кўзланган мақсадга эришишда уларга мададкор бўлаётган ички ишлар ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг муносиб ҳиссаси бор. Осойишталик побонлари эрта баҳордан қишлоқ фаоллари ҳамда фермерлар билан ҳамкорликда экинларнинг пайҳон қилинишига йўл қўймас-

лик, бу борадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаб, тегишли чоралар кўриш учун бор имкониятларни ишга солишди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли ҳозирда буғдой бошоқлари тўлиқ ҳосилга кирди.

**Суратда: туман ИИБ ҲООҒ профилактика инспектори, капитан Жасур Шарипов ва «Паҳлавон» фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Собиржон Полвонов етиштирилган ҳосилни кўздан кечиришмоқда.**

**Х. ЖАББОРОВ олган сурат.**

## СЕМИНАР ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЭЪТИБОРДА

Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси мажлислар залида «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича ишларнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида олиб борилиши» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда республиканинг олий ўқув юртлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори И. Венцель ва маслаҳатчи И. Файзуллин ҳамда бошқалар сўзга чиқиб, мазкур тадбирнинг аҳамияти ва мазмун-моҳияти ҳақида гапиришди.

Шундан сўнг «Тинчлик Омбудсмани» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова дунё юзини кўрган мазкур асарнинг аҳамияти ҳақида маълумот берди. Шунингдек, иштирокчилар кун тартибидаги масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбирда инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

## МИННАТДОРЧИЛИК АСЛО КАМ БЎЛМАНГ!

Мен I гуруҳ ногирониман. Ҳеч ким бемор бўлиб ётиб қолмасин экан. Кимнидир илиқ сўзига маҳтал бўлганимда, йўқлаб келган кишидан ҳар қанча миннатдор бўлсанг кам. Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор Ўринбой Тожибоев ва унинг оила аъзолари мени йўқлаб, ўксик кўнглимни кўтариб, дардимга малҳам бўлиб туришади. Ораимизда ана шундай меҳр-оқибатли кишилар борлиги учун ҳам биз, ногиронлар қаровсиз қолмаймиз. Ҳаргал байрамларда, қутлуг кунларда келиб бир оғиз илиқ сўз айтиб кетганида бошим осмонга етади. Яратгандан ана шундай савобли ишлар қиладиганларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламан. Асло кам бўлишмасин!

**Тошмухаммад ҲАРАЛИЕВ.**  
Наманган вилояти Уйчи тумани.

## АМАЛИЙ СПОРТ

Республикаимизда ўтказилган бу йилги ёнғин ўчириш амалий спорти чемпионатида ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби мезбонлик қилди. Илмоҳнинг Сирғали тумани ҳудудидаги ўйингоҳи байрамона безатилди. Ташриф буюрган томошабинлар қаторидан олий мактаб профессор-ўқитувчилари, курсантлари, мамлакатимиздаги ўндан ортик йирик корхоналар, ташкилотлар, ўта муҳим тоифаланган объектларнинг муҳандис-техник ходимлари, бир қатор олийгоҳлар вакиллари, ИИБ Академияси сержантлари, Сирғали туманида жойлашган академик лицей ва коллежларнинг ўқувчилари жой олишди.

## ЧЕМПИОНАТ ГОЛИБЛАРНИ, КЎРГАЗМА ҲАМКОРЛАРНИ АНИҚЛАДИ

Ўйингоҳда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий тоғ-металлургия комбинати, барча вилоятлар ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби терма жамоалари аъзолари сафланди. Мактаб ўқув курслари бошлиғи, полковник А. Абдурахмонов Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икромовга терма жамоалар чемпионатига тайёр эканлиги ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг мактаб бошлиғи, генерал-майор М. Собиров маъруза қилди. Нотик мустақиллик йилларида юртимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани, ёнғин ўчириш амалий спортининг бўлажак ёнғин ўчирувчилар маҳоратини оширишда тутган ўрни, олийгоҳда камол топаётган ёш мутахассисларга яратилган шарт-шароитлар, бу ерда етишиб чиқаётган республика ва халқаро миқёсдаги спортчилар ҳақида тўхталди.

Ёнғин ўчириш амалий спорти республика чемпионати очик, деб эълон қилинган, ҳарбий оркестр Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этди. 2008 йилги чемпионат голиби – Тошкент вилояти терма жамоаси сардори чемпионат байроғини кўтарди. Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икромов сўзга чиқиб, мусобақа иштирокчиларини қизғин табриқлади ва омад тилади.

Тадбирнинг бадий қисмида ИИБ «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуи қошидаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби курсантларининг кўл жанги бўйича кўргазмали чиқиши, республика эстрада-цирк коллежи талабаларининг сахналаштирилган бадий томошалари, таниқли хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга манзур бўлди.

(Давоми 4-бетда).



## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
нашрлари –

«ПОСТДА», «НА ПОСТУ»  
газеталари ҳамда

«QALQON», «ЎЦИТ»  
журналларига 2009 йилнинг  
иккинчи ярми учун обуна  
давом этмоқда.



Нашрларимизда жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, криминал воқеалар, суд очерклари мунтазам ёритиб борилади. Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг!

Индексларимиз:

«ПОСТДА» 180 (366)

«НА ПОСТУ» 169 (367)

«QALQON» 970 (1083)

«ЎЦИТ» 971 (1084)

## ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТ



**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Осиё Тараққиёт банки котиби Робер Доусон таширф буюрди. Юксак мартабали меҳмонга Осиё Тараққиёт банки котибияти етакчи мутахассиси Джил Дрилон ҳамда мазкур банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси иқтисодчиси Киёши Танигучи ҳамроҳлик қилди. Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А. Қўлдошев қабул қилди.**

Таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодига салбий таъсир этаётганига қарамай, юртимиз иқтисодиёти, банк-молия соҳаси барқарор ривожланиш йўлидан бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло

Каримов томонидан Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилиниб, изчиллик билан амалга ошириляётгани боис халқимиз фаровонлиги ортмоқда, республикамизда иқтисодий юксалиш кузатиляётган.

Иқтисодиётнинг қон томири бўлган хусусий тадбиркорлик ва

кичик бизнесга бериляётган имтиёзлар, қорхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, минглаб янги иш ўринларининг очилаётгани, чет эл сармояси учун яратилган қулай инвестицион муҳит мамлакатимизда нафақат иқтисодий барқарорликни таъминлаш, балки ўсишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Юртимиздаги иқтисодий ўзгаришларга халқаро молия институтлари зўр қизиқиш билан қарамоқда. Глобал инқироз шароитида ҳам турли мақомдаги делегацияларнинг таширф буюриши Ўзбекистоннинг иқтисо-

дий салоҳияти йил сайин юксалиб бораётганидан далolat беради. Жумладан, 2010 йил май ойида Осиё Тараққиёт банки Бошқарув кенгашининг 43 йиллик анжумани Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Унда дунёнинг нуфузли халқаро молия тузилмалари, ноҳукумат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларидан кўплаб вакиллар иштирок этади.

Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган бу йирик анжумани юксак даражада ташкил этиш ва ўтказишда бошқа вазирлик, агентлик, муассаса ва идоралар қатори Ички ишлар вазирлигининг ҳам иштироки талаб этилади.

Осиё Тараққиёт банки котиби Робер Доусон ҳамда банк котибияти етакчи мутахассиси Джил Дрилон Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А. Қўлдошев билан мазкур нуфузли халқаро анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказишда жамоат тартибини сақлаш, техника хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни атрофлича муҳокама этишди.

Мулоқот чоғида томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди.

**Норали ОЧИЛОВ.**

Суратларда: учрашув пайти.

## ҚОНУН ВА ИЖРО

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг иш режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИВда ички ишлар идоралари ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан қўмита аъзолари ва вазирликнинг шу соҳа бўйича масъул ходимлари иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Шодиев олиб борди ва сўнгги йилларда Президентимиз И. Каримов томонидан ички ишлар идоралари тизимини тақомиллаштириш, ходимларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминлаш юзасидан амалга ошириляётган ижобий ишларга тўхтади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоларининг вазирликка таширф буюриб, шахсий таркибининг яшаш ва ишлаш шароити билан таъминлашлари ҳам ана шу ғамхўрликнинг узвий давоми эканлигини қайд этиб ўтди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари Н. Каримов, У. Солибоев ва А. Ўринбоевлар ўз сўзларида Ўзбекистон Республикаси Президентини ва республика Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорлари талаблари асосида ИИВ тизимидаги ҳарбий хизматчиларни турар жой билан таъминлаш, уларга яқка тартибда турар-жой қуриш учун

узюқ муддатли ипотека кредитлари бериш, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш чора-тадбирлари тўғрисида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда ИИВ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, полковник З. Незматов сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида жиноятчиларни қўлга олиш, қўпурувчилик ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш вақтида юздан ортиқ ички ишлар ходимлари ҳалок бўлишганини таъкидлади. Бу эса уларнинг эл-юрт осойишталиги йўлидаги хизматлари нақадар машаққатли ва хатарли эканлигидан далolat беради. Шуларни инобатга олган ҳолда ички ишлар ходимларига берилган имтиёзларни ҳарбий хизматчиларни кинга тенглаштириш масаласида давлат миқёсида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилиши уларни ўз олдларига қўйилган масъулиятли вазифалар сари янада руҳлантириб юборган бўлар эди. Нотиқ шулар ҳақида гапирар экан, бу борадаги мулоҳазаларини баён этди.

Тадбир сўнггида ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминлашни тақомиллаштириш юзасидан ИИВ масъул ходимларининг тақлиф-мулоҳазалари олинди ва Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этиш учун умумлаштирилди.

Йиғилиш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Худайберди Файзиевич ПАРДАЕВ.**

Худайберди Файзиевич Пардаев 1962 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилдан Самарқанд вилояти Сиеб тумани ИИБ тергов бўлимининг терговчиси лавозимидан бошлаган. 1990–2001 йилларда Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ИИБ ТБ терговчиси, бўлима бошлиғининг ўринбосари, тергов қисми бошлиғи, Самарқанд вилояти ИИБ ТБ бошлиғининг ўринбосари, вилоят ИИБ Ахборот маркази бошлиғи, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари – Тергов бошқармаси бошлиғи, 2001–2009 йилларда республика ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**Навоий вилояти Навоий шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Феруз Учқунович ДЖУРАЕВ.**

Феруз Учқунович Джуроев 1976 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда Бухоро вилояти ИИБ тергов бўлими терговчиси лавозимидан бошлаган. 1997–2002 йилларда Навоий вилояти ИИБ ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Қизилтепа тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, Навоий вилояти ИИБ ЖКБ тезкор вакили, Навоий шаҳар ИИБ ЖКБ бошлиғи ўринбосари, 2002–2009 йилларда Навоий вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи, Навоий шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖК ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Транспортдаги ИИБ Термиз темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Равшан Нематович ИСМАТОВ.**

Равшан Нематович Исмаатов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Транспортдаги ИИБ Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими, Навоий темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлимининг тергов гуруҳининг терговчиси лавозимидан бошлаган. 1994–2009 йилларда Транспортдаги ИИБ Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими, Навоий темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлимининг катта терговчиси, бошлиғи, Транспортдаги ИИБ алоҳида милиция батальони отряд командири лавозимларида хизмат қилган.



## ЎЗБЕКИСТОН

## ҲАҒТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби Франциянинг «Georama editions» нашриёт уйи томонидан француз тилида чоп этилди.

● Мамлакатимизга таширф буюрган Малайзия парламенти Вакиллар палатаси Спикери Тан Сри Пандикар Амин Хожи Мулиа раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан учрашди. Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Малайзия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров билан ҳам музокара ўтказди. Шунингдек, малайзиялик меҳмонлар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилдилар, Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни кўздан кечирдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва бола ҳуқуқлари ҳимоясига доир бошқа халқаро шартномаларни амалга оширишда парламентнинг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Анжуманда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва бола ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатлар талабларининг қонунларимизда акс эттирилиши, бола ҳуқуқларини таъминлашда парламентнинг роли каби мавзуларда маърузалар тинланди.

● Пойтахтимизда «Кардиология соҳасидаги янги технологиялар: марказдан ҳудудларга» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани иш бошлади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази томонидан ташкил этилган тадбирга мамлакатимиз олимлари, шифокорлари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Россия, Украина, Туркменистон ва бошқа хорижий давлатларнинг мутахассислари таширф буюришди.

● Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик чарм кўлқоп устаси Ғайратжон Абудаҳимов навбатдаги рейтинг жангини ўтказди. Россиялик Евгений Хилга қарши олти раундлик жангда рингга чиққан ҳамюртимиз очколар ҳисобида зафар кучди. Бу профессионал боксчилик фаолиятини тўрт йил олдин бошлаган Ғ. Абудаҳимовнинг кетма-кет ўнинчи галабаси бўлди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

**ХУШХАБАР**

# ЯНГИ МАЖМУА ИШ БОШЛАДИ

Юртимизда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқларига амал қилишнинг дунёвий тажрибаларини татбиқ этиш, уларда тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳукуматлараро битимлар доирасида 2004 йилдан буён сил касалликларига қарши кураш дастури асосида ибратли ишлар амалга оширилиб келинапти.

Яқинда Бухоро вилояти ИИБ ЖИЭБ тасарруфидаги подполковник Бахтиёр Азизов раҳбарлигидаги жазони ижро этиш муассасасида яна бир хайрли иш амалга оширилди. Халқаро силга қарши кураш дастури доирасида германиялик ҳомийлар ҳамкорлигида янги рентген-диагностика мажмуаси ўз фаолиятини бошлади.

— Ушбу замонавий мажмуада беморларни радиологик,

рентгенолик ва томографик текшириш ишлари бажарилади, — дейди муассасанинг тиббиёт бўлими бошлиғи, майор Зикрилло Эргашев. — Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва ғамхўрлик кўрсатиш тобора юксалиб бораётгани кишини қувонтиради, албатта.

Замонавий мажмуанинг очиштириш бағишланган тадбирни Ўзбекистон ДОТС маркази ди-

ректори Г. Узоқова очди. Шунингдек, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ш. Ражабов сўзга чиқиб, юртимизда халқаро силга қарши кураш дастури асосида амалга оширилаётган ишларга тўхталди ва ҳомийларга миннатдорчилик билдирди.

Тадбирда ГФРнинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Маттиас Майор бошчилигидаги бир гуруҳ хоризжлик ҳомийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Марат Ҳожибеков иштирок этди.

**Эркин ФОЗИЛОВ.  
Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**

Бухоро вилояти.

**КЕЛАЖАК – ЁШЛАР ҚЎЛИДА**

# КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Ана шундай шиор остида пойтахтимизнинг Бобур номи маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими Бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тадбир ўтказилди. Шунингдек, бу ерда ўқитувчилар, мураббийлар ва ота-оналар учун шаҳардаги мактабдан ташқари умумтаълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиш имконияти яратилди.

Тадбир чоғида мактаб ўқувчилари бадиий ижодиёти марказлари жамоалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг концерт дастури, шаҳар техник ижодиёти маркази кўргазмаси намойиш этилди. Бундан ташқари, «Яшил чироқ – 2009» ҳаракати ёш инспекторларининг танлови бўлиб ўтди.

— Биз танловга пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди Миробод туманидаги 125-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси, жамоа сардори Умида Усанова. — Сафимиз кўпроқ қизлардан иборат бўлса-да, шартларни бажаришда бошқалардан ортда қолмасликка ҳаракат қилдик. «Йул ҳаракати қоидалари»дан

сабоқ берган ўқитувчи Дариха Қўшбоева бизга раҳбарлик қилиб, жамоамиз яхши кўрсаткичга эришиши учун бор билим ва маҳоратини ишга солди.

Танлов иштирокчилари йул ҳаракати қоидалари бўйича олган билимлари билан кифояланиб қолишмади. Шунингдек, ҳаракатни бошқариш, кўргазмани чиқиш, велосипед ва радио орқали бошқариладиган машинани ҳаракатлантириш, йул-транспорт ҳодисаси содир бўлганда тиббий ёрдам кўрсатиш каби танловларда ҳам иштирок этишди.

Чилонзор туманидаги 178-

ўрта мактаб жамоаси айниқса, мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Жамоа «Яшил чироқ» танловининг шаҳар босқичида энг яхши натижага эришиб, голибликни қўлга киритди.

— Ўқувчилар пухта билимга эга эканликларини кўрсатишди, — дейди ҳайъат раиси, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими катта инспектори, майор Ойбек Отабеков. — Куриқдан бир кун аввал барча иштирокчи жамоалар ёш йул ҳаракати инспекторлари йил давомида қандай фаолият олиб боргани ҳақидаги видеотасмаларни тақдим этишди. Биз уларни диққат билан ўрганиб чиқиб, баҳоладик. Айтиш жоизки, танлов давомида барча жамоалар бир-биридан қолишмади. Энг муносиблари голиб деб топилди, «Яшил чироқ» танловининг республика босқичига йўланма берилди.

Диққатга сазовор томони, пойтахтимиздаги аксарият мактаб ўқувчилари иштирок этган «Куч – билим ва тафаккурда» тадбири юқори савияда ўтказилди.

**Елена КУЗНЕЦОВА.**

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



## ХОДИМЛАР СИНОВДАН ЎТАЯПТИ

Ички ишлар идоралари ходимлари ўз касб маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориши лозим. Зеро, шиддаткор даврнинг талаби айнан шуни тақозо этмоқда. Юксак назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлган ходимгина хизматда яхши ютуқларга эришади.

Шу кунларда республика Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғига асосан Бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари ходимлари жисмоний ҳамда касбий тайёргарлик бўйича белгиланган тартибда синовдан ўтаяпти. Синовлар ниҳоясига етгач 2008–2009 ўқув йили учун малака тоифалари берилади.

**Ўз мухбиримиз.**



Суратда: ходимлар тест синовлари топширишмоқда. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## КҮРИК-ТАНЛОВ

### «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ тасарруфидаги подполковник А. Қодиров бошлиқ жазони ижро этиш муассасаси шахсий таркиби ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Ушбу тадбир дастуридан Ватанни улуғловчи «Она диёрим», «Орзуим», «Ўзбекистон» номли кўшиқ-лапарлар, «Иқро» монологи маромига етказилиб ижро этилгани барчага манзур бўлди.

Эндиги навбат кўрик-танловнинг вилоят босқичига. Унга янада қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**  
Қашқадарё вилояти.

## МУЛОҚОТ

### САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Тошкент вилояти ИИБ ходимлари томонидан қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва хизмат интизомига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этиш аънаанага айланиб қолган.

Вилоят ИИБ ШТБИХ, ҲООБ ва республика ИИБ Академияси ҳамкорлигида «Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва маъмурий юрисдикциявий фаолияти: муаммо ва ечимлар» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатига ҳам ИИБ олий таълим муассасаларини битириб, хизматга йўланма олган ёш ходимларда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш билан бирга, зарур кўрсатма ва йул-йўриқлар беришга асосий эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ички ишлар тизимининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланган профилактика хизмати олдида турган вазифаларга тўхталди. Жумладан, жойлардаги маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш фаолият самарадорлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиши лозимлиги ўқитиб ўтилди. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юз беришига йул қўймаслик масаласи ўртага ташланди.

**Х. РЎЗИЕВ.**

Тошкент вилояти.

## ЖАҲОН



## АЙВониДА

### ФУҚАРОЛАР УРУШИ БАРҲАМ ТОПДИ

Шри-Ланка Президенти Махинда Ражапакса парламентда сўзга чиқиб, «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» айирмачилар гуруҳи устидан тўлиқ ғалабага эришилгани ва мамлакатда 1983 йилдан бери давом этиб келаётган фуқаролар урушига ниҳоят чек қўйилгани ҳақида расмий баёнот берди. Узоқ давом этган бу қарама-қаршилик 70 минг нафардан ортиқ кишининг умрига зомин бўлиб, 200 мингдан ортиқ тинч аҳоли уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Пойтахт Коломбода уруш туғгани муносабати билан минглаб одамлар қўлларида байроқчалар кўтариб, кўчаларга чиқди ва бу кун мамлакатда катта шодиёналарга айланиб кетди.



### ИНҚИРОЗ ТАЪСИРИ

Reuters ахборот агентлигининг хабарига кўра, Япониянинг йирик молия муассасаларидан бири – «Mizuho Financial Group» ўтган ҳисобот даврини зарар билан яқунлаган. Мамлакатда нуфузи жиҳатдан иккинчи ўринда турувчи мазкур банк 6,1 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағни бой берган. Бунга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва банк қимматли қоғозларининг қайта баҳоланиши сабаб бўлган.

### МИТТИ АВТОМОБИЛЬ

Англиялик Перри Уоткинс дунёдаги энг кичик автомобилни яратди. «Wind-Up» деб номланган бу «мўъжиза»нинг эни 66, бўйи 99 сантиметр бўлиб, оғирлиги 150 килограммни ташкил этади. «Wind-Up» соатига 64 километр тезликда ҳаракатлана олади ва 100 километр масофага 4 литр ёнилғи сарфлайди. Ушбу автомобилнинг катта йўлларда ҳаракатланишига рухсат берилди.

### МАРСДА СУВ БЎЛГАНМИ?

Япония оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, ушбу кунчиқар мамлакат 2018 йилда Марсга учувчисиз тадқиқот миссиясини уюштирмоқчи. Режага кўра, қизил сайёрага оид тадқиқотни иккита сунъий йўлдош ва кўнуччи зонд амалга оширади. Япон олимларининг ўз олдига қўйган мақсадларидан бири Марсда сув бўлганлигига оид масалага оидинлик киритишдан иборат.

### ЯНА ҚЎПОРУВЧИЛИК

Ироқ пойтахти Бағдодда содир этилган террорчилик хуружи туфайли қамада 34 киши ҳалок бўлиб, 72 нафари турли даражада тан жароҳати олди. Террорчилар пойтахтнинг шимоли-ғарбида жойлашган шиаларнинг Шула ҳудудидаги ресторан ва дўконлар ёнида автомобилни портлатиб юборишган. Ушбу хунрезлик Ироқда май ойи давомида кузатилаётган осойишталикни бузди.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

## АМАЛИЙ СПОРТ

# ЧЕМПИОНАТ ҒОЛИБЛАРНИ, КЎРГАЗМА ҲАМКОРЛАРНИ АНИҚЛАДИ


(Давоми. Боши 1-бетда).

Ниҳоят кутилган дамлар бошланиб, ҳар бир терма жамоанинг олти нафардан аззоси ёнғин ўчириш амалий спортининг беш тури бўйича баҳсга киришди. Дастлаб ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш юзасидан қизгин кураш борди. Иккинчи уриниш натижасига кура ғолиб жамоалар аниқланди. Шахсий ҳисобда Қашқадарё вилояти терма жамоаси аззоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, сафдор Раҳим Рўзиев тенгсиз топилди. 2005 йилда ўрнатган рекордини (13,78 сония) мазкур чемпионатда (13,11 сония) янгиллади. Терма жамоалар баҳсида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари спортчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Беллашувнинг иккинчи тури — ёнғин ўчирувчилар эстафетасида (4x100) пойтахтимиз терма жамоаси рақибларидан кучли эканлигини исботлади. Кейинги ўринлар Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари терма жамоаларига насиб этди.

Ёнғин ўчириш автомобилдан уч тирсакли сурилма нарвонни ечиб, ўқув минорасининг 3-қаватига кўтарилишда Қашқадарё вилояти вакили, капитан А. Турсунов ва сафдор Р. Рўзиев жуфтлигига тенг келадиган топилмади. Ушбу турда Тошкент шаҳридан Д. Анцибаров ва Б. Дудников жуфтлиги, Тошкент вилоятидан А. Абдунабиев ва М. Суханов жуфтлиги кейинги поғоналарни эгаллашди.

100 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича



қашқадарёлик Р. Рўзиев энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўринни олди. Ундан кейинги ўринлар пойтахт вакили Н. Холодов, бухоролик С. Шодиевга берилган бўлса, жамоалар эришган натижалар бўйича Жиззах вилояти, Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти вакиллари фахрли ўринларни эгаллашди.

Беллашувнинг сўнгги тури — ёнғин ўчириш автомобилдан жанговар ёйилиш бўйича ҳам баҳс-

лар кескин ва мурасасиз энг кечди. Ҳар бир жамоа спортчилари бор ғайрати ва маҳоратини ишга солди. Бошқаларга қараганда тезкор ва аниқ ҳаракат қилган Фарғона вилояти терма жамоаси биринчи, Бухоро вилояти ҳамда чемпионат мезбони ЁХОТМ иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Умумий натижага кура, Тошкент шаҳри терма жамоаси чемпионатнинг мутлақ ғолиби бўлиб, республика Ёнғин ўчириш

амалий спорти федерацияси кўчма кубоги соҳибига айланди. Кейинги фахрли ўринлар Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари вакилларига насиб этди.

Ғолиб жамоалар ва юқори кўрсаткичга эришган спортчилар чемпионат медаллари, қимматбаҳо совгалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, бир қатор номинациялар бўйича совринлар тақдим этилди. Чемпионат рекордчиси Р. Рўзиевга олийгоҳнинг махсус совғаси, мусобақанинг энг ёши катта, энг ёши кичик иштирокчиси ҳамда ғалабага бўлган иродаси учун совринлари Сурхондарё вилояти терма жамоаси аззолари И. Шахназаров, Р. Салиев ва А. Ермалаевларга берилди.

Мазкур чемпионатда яхши натижаларга эришган 18 нафар спортчидан мамлакат терма жамоаси тузилиб, улар ҳам сараланиб, халқаро майдонларда ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўради. Ўйлаймизки, бу каби спорт анжуманлари ёш ёнғин ўчирувчилар-

нинг маҳоратини ошириб, хизмат вазифаларига янада ишонч билан ёндашишларида ўзига хос тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади.

Шу кунги ёнғин хавфсизлиги бўйича замонавий техникалар ва асбоб-анжомлари, ускуналари кўрғазмаси ҳам бўлиб ўтди. Бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан бақувват саноат корхоналари бунёд этилаётган бир даврда табиийки, уларнинг ёнғин хавфсизлиги тизимини замон талаблари даражасига етказиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу маънода кўрғазмада республикамизда фаолият юритаётган «Янги, кенг формат», «Химоя линияси», «СП систем сервис», «Қурилиш технологиялари», «Топрей Текстиль», «Винланд», «Кевлар», «Тошкент лак-буёқ заводи» каби етакчи фирма, қўшма корхона ва компаниялар томонидан ёнғин хавфсизлиги бўйича ишлаб чиқарилган техник жиҳозлар, асбоб-ускуналар, анжомлар намойиш этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг яна бир афзаллик жиҳати — бу ердаги замонавий асбоб-ускуналар ташриф бую-

рувчиларга завод нархида тавсия этилганидир.

Ушбу маҳсулотлар ўз афзалликлари, қулайлиги, жаҳон стандарти талабларига жавоб бериши билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, республика Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан тайёрланган ўқув қўлланмалари, меъёрлар тўплами ҳамда плакатлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Кўрғазма чоғида соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва инновацион лойиҳалар бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбир келгусида ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашда рўй бериши эҳтимоли бўлган ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда соҳанинг янада такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.

**Ўқтам ХОЛИКОВ,**  
капитан.  
**Фурқат ХОЛИКУЛОВ,**  
«Постда» муҳбири.  
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.

## ДИЛ СЎЗИ

## УСТОЗЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

*Мен болалик чоғларимдаёқ энгизилган ишлар ходими либосини кийиб, юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилишни орзу қилган эдим. Мактабни битириб, ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ҳужжатларимни топширдим. Омадим бор экан курсантлар сафидан жой олдим. Ўқиш давомида шу йўлни тўғри танлаганимга ишонч ҳосил қилдим. Негаки, олий даргоҳдаги ўқитувчи-профессорлар ҳар томонлама етук, илмий салоҳияти юқори эканлиги, уларнинг ғамхўрлиги-ю, бу ерда яратилган шарт-шароитлар жисмонан чиниқишимиз, ўз соҳамизни мукамал эгал-*

*лашимизда муҳим ўрин тутаяпти. Мана, ҳадемай мутахассислик дипломига эга бўлиб, эл-юрт хизмати-га йўл оламиз.*

*Келгусида юртимизнинг турли гушаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашдек шарафли вазифани бажариш бизнинг зиммамизда. Шу ўринда олий техник мактабимиз бошлиғи, генерал-майор М. Собировга, курсантлардан ўз билими, меҳр-мурувватини аямётган устозларимиз, спорт мураббийларига миннатдорчилик билдираман. Келажакда уларнинг ишончини албатта оқлаймиз.*

**Азизбек ХИДОЯТОВ,**  
ИИБ ЁХОТМ 5-босқич курсанти.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ - ОЛИЙ ҚАДРИЯТ**

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Инсон бошига бирор иш тушса, зарурат юзасидан тегишли идорага мурожаат этади. Жумладан, ички ишлар идорасига ҳам фуқаролар шунчаки келишмайди. Шунинг учун уларнинг ҳар бир ариза, мурожаатини эътиборсиз қолдирмаймиз. Ўтган тўрт ой мобайнида туман ички ишлар бўлимига 140 дан ортиқ ариза тушди. Уларнинг ҳар бирини мавжуд қонун-қоидалар асосида кўриб чиқиб ҳал этиш, фуқароларга тегишли жавоб қайтаришга ҳаракат қилдик.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилаяпти. Бизга келиб тушаётган ариза ва мурожаатларнинг аксариятини доимий яшаш учун рухсатнома олиш, юридик ҳужжатларни расмийлаштириш, ўқиш, ишга қабул қилиш кабилар ташкил этмоқда. Ҳафтанинг белгиланган кунлари туман ИИБ раҳбарлари томонидан фуқароларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Уларнинг талаби имкон қадар қабул кунини ҳал этилмоқда. Шу тариқа фуқароларнинг яна овора бўлиб келишига ҳолат қолдирма-япти.

Оилавий жанжаллар, қўни-қўшниларнинг келишмовчиликлари юзасидан ҳам аризалар тушади. Бу масалалар қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда кўриб чиқилаяпти.

Пахтаобод кўрғонидан Ю. Ҳалима эри ишламаётгани, ичиб олиб жанжал қилиши ҳақида шикоят қилди. Йигитнинг ишга жойлашишига ёрдам бердик. Ҳозир оила аъзолари тинч-тотув яшаяпти.

Кейинги пайтда ички ишлар идораларида хизмат қилиш, ИИБ олий таълим муассасаларига кириб ўқиш учун ҳужжат расмийлаштириш ҳақида мурожаат этаётган ёшлар кўпайиб бора-япти. Албатта, уларга белгиланган тартиб-қоидаларни тушунтириб, зарур маслаҳатлар берилаёпти, ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашилмоқда.

Паспорт тизими қоидаларини бузилиши бўйича аризалар тушади. Айрим фуқаролар паспортнинг амал қилиш муддати ўтиб

кетса ҳам бепарво юради. Почта, банк ва бошқа муассасада ҳужжат талаб қилинганда ишлари битмаса ёки банкдан пул олишолмаса бизга келишади. Улар жарима тўлашга мажбур эканликларини тушунтириб, янги паспорт олишга рухсат берамиз.

Айрим фуқаролар ўз муаммолари юзасидан қайси идорага мурожаат этиш лозимлигини билишмайди, ҳаммаси ички ишлар идорасида ҳал бўлади, деб уйлашади. Уй-жойни расмийлаштириш ва бошқа масалаларда маслаҳат сўрашади. Бундан асло ранжишмаймиз. Ички ишлар идораларига бўлган ишонч тобора ортаётганидан хурсанд бўлиб, керакли йўл-йўриқлар бериб борамиз.

Содир этилган жиноятлар юзасидан келиб тушган аризалар бўйича тергов-тезкор гуруҳи жойларга чиқиб, айбдорни топгач, қонуний чоралар кўриляпти. Кейинги йилларда ҳар бир ҳолат эътиборда бўлаётгани ҳамда профилактик ишлар кучайтириляётгани боис жиноятлар камайиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаро ўзини қизиқтирган масала, муаммолар юзасидан тегишли идораларга мурожаат этиши ва тегишли жавоб олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Шундай экан умид билан келган кишига зарур маслаҳатлар бериш, қонун-қоидаларни тушунтириш вазифамиз ва бурчимиздир.

**Шавкат ШОКИРОВ,**  
**Сардоба тумани ИИБ**  
**бошлиғи ўринбосари,**  
**капитан.**

*Сирдарё вилояти.*

Бугунги кунда терроризм масаласи бутун дунёда энг долзарб муаммолардан бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу муносабат билан XX асрнинг 90-йилларидан буён ўтган давр ичида терроризм ва унга қарши кураш мавзусига бағишланган кўплаб жиддий, асосли тадқиқотлар яратилди. Улар орасида сиёсий фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори, полковник Шухрат Фойибназаровнинг 2009 йилда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган «Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи» монографияси бу масалага бағишланган тадқиқотлар орасида ўз салмоғи ва илмий қиммати билан ажралиб туради.

Асарда терроризмнинг келиб чиқиши, уни юзага келтирган омиллар ва манбалар ҳақида сўз юритилиб, унинг турли қитъалардаги кўринишлари таҳлил қилинган. Муаллиф халқаро терроризмнинг бугунги тобора ноциклашиб бораётган усуллари китобхон эътиборини жалб қилиб, ушбу офатга қарши кураш борасидаги умумий стратегияни ишлаб чиқиш ва ишга солиш лозимлиги заруратини қайд этади. Чунончи, жиноятчиликнинг бу турига қарши кураш халқаро хавфсизликни таъминлашнинг универсал воситаси бўлган БМТ ҳужжатлари асосида олиб борилиши лозимлиги, Интерпол, Еврона Кенгаши, ва Европа Иттифоқи, МДХ қатнашчилари, «Катта саккизлик» мамлакатлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа минтақавий ташкилотларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари устида тўхталди. Шунингдек, Ўзбекистонда 2000 йилнинг декабрида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганини, ваҳоланки барча давлатларда ҳам бундай қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги таъкидлаб ўтилади.

Тадқиқотда воқеалар солномаси шунчаки яратилмай, балки асосий террорчи гуруҳларнинг юзага келиш тарихи тавсифлаб берилган, террорчилик ташкилотларининг мақсад ва режалари, кўпуровчилик усуллари тадқиқ этилган. Шунинг

# МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

алоҳида қайд этиш лозимки, терроризмнинг барча таркибий қисмлари ҳар томонлама, комплекс ҳолда таҳлил қилинганлиги монографиядаги асосий ангилликдир. Жумладан, тадқиқотда террорчилик ҳаракати ривожланишининг барча асосий босқичлари муҳим сиёсий воқеалар билан чамбарчас боғлиқликда ҳамда дунёдаги анъанавий жамиятлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар асносида баён этилган. Террорчи гуруҳларни пайдо қилган сабаблар, асосий омиллар ва уларни ривожлантирувчи, ҳаракатлантирувчи кучлар очиб берилган.

Бугунги кунда биз нафақат терроризм, балки ахборот террорига қарши ҳам курашга тайёр туришимиз, фуқароларимиз дунёқарошида турли хил бузғунчи ғояларга нисбатан собитлик билан қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни кучайтирмоғимиз, жаҳолатга маърифат

орқали барҳам бермоғимиз лозим. Чунки XX асрнинг сўнгги чорагида Фарбда ахборотлар оқимидан жангари исломнинг фаоллашуви ҳақидаги маълумотларни ажратиб кўрсатиш ўзига хос «мода»га айланди. Шу боис муаллиф радикал исломий гуруҳларнинг террорчилик ҳаракатлари келтириб чиқараётган ҳарбий-сиёсий можаролар учун айнан ислом дини айбдор эмаслигини, исломни тажовузкорликда

жафокаш афгон диёрида барқарор тинчлик қарор топмас экан, тинч ҳаётимизга, барқарорлик, хавфсизликка путур етказиши мумкин бўлган шундай хавф борлигини унутишга ҳаққимиз йўқлигини ўринли таъкидлаган.

Муаллиф ўз хулосаларида биронта ҳам минтақа ёки мамлакат ўзини терроризм таҳдиди ва хавфидан тўлиқ ҳимояланган, деб ҳисоблай олмаслигини қайд этиб, ушбу хавфнинг минтақавий ўчоқлари ва манбалари ҳукм сураётган зоналарда унинг «интеграциялашуви» мумкинлигидан огоҳлантиради. Бунинг олдини олишнинг самарали чораси сифатида аввало, халқаро терроризмни иқтисодий негизидан маҳрум қилиш лозим, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, терроризмга қарши курашиш, шу жумладан, куч ишлатиш воситасида кураш олиб бориш террорчилик гуруҳлари нарқобизнес ва нолегал қурол-яроғ савдосига асосланувчи молиявий негизидан маҳрум қилингандагина самарали бўлиши мумкин.

Умуман, халқаро терроризмнинг илдилари, омиллари ва манбалари бой илмий манбаларга таянилган ҳолда таҳлил этилган бу янги тадқиқот Ўзбекистон сиёсатшунослик фани ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлиш билан бир қаторда, ҳозирги пайтда бу офатга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати олиб бораётган изчил ҳамда қатъий позицияни ҳам тўғри тушуниб олишга ёрдам беради. Ушбу китоб ҳар бир фуқарони, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларини Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда, юртимизда ва бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашда ўз масъулият ва ўринларини чуқур англашга ундайди.

**Даврон РАЗЗОҚОВ,**  
**ИИВ Академияси**  
**доценти.**



ланганлигини, кишиларни маънавий жиҳатдан яқдилликка, маънавий баркамолликка ундашини очиб берган.

Олим диний экстремизмнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши масаласини кўриб чиқар экан, замонавий Афғонистон муаммосини ҳам назардан четда қолдирмаган. Жумладан, афғон муаммоси «совуқ уруш» даври маҳсули ва икки сиёсий тизимнинг (капиталистик ва социалистик) бири-бири билан кураши оқибати бўлганлигини, бугунги диний экстремистлар ўзлари учун «ўзлаштирилмаган ҳудудлар» деб ҳисоблашаётган Марказий Осиё минтақасига «юриш қилиш» ниятларидан ҳамон воз кечмаётганликларини қайд этган. Токи

**ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ**

**ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ ЎҒИРЛАНДИ**

Самарқанд вилояти Жомбой туманида яшовчи Д. Салим ИИБга ариза билан мурожаат этиб, номаълум шахс уйига дераза ойнасини синдириб кириб, умумий қиймати 6 миллион сўмга яқин заргарлик буюмларини ўғирлаб кетганлигини маълум қилди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни М. Рустам содир этгани аниқланди.

**УЙ ҚАРОВСИЗ ҚОЛСА...**

С. Татьяна уйини қаровсиз қолдириб, иш билан ташқарига чиқ-

қан эди кимдир хонадонга калит танлаш йўли билан кириб, у ердан 600 минг сўм ва 2800 АҚШ долларини ўғирлаб кетди. Ўзгалар молмулкига кўз олайтирган М. Асқар тез фурсатда Тошкент шаҳар Якқасарой тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**ЙЎЛОВЧИ ЭМАС, ТАЛОНЧИЛАР**

Ўзининг «Тико» автомашинасида кетаётган К. Носир йўл четидан қўл кўтариб турган икки кишини кўриб

тўхтади. Аммо улар йўловчи эмас, талончилар экани ҳаёлига ҳам келмаганди. Зўравонлар Носирни куч ишлатиш йўли билан кўрқитиб, ёнидаги «Нокия» русумли уяли телефони ва пулларини олиб кетишди.

Андижон вилояти Марҳамат тумани ИИБ ходимлари ушбу жиноятни тезда фош этишди. И. Рустам ва А. Ҳайдар энди ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар.

**АЛОҚА УЗИЛИБ ҚОЛДИ**

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида жойлашган телекоммуника-

ция боғламаси раҳбарияти ИИБга ариза билан мурожаат этиб, номаълум шахслар «Боёвут» фермерлар уюшмасини туман маркази билан боғлаб турувчи 2000 метр узунликдаги, 1 млн. 400 минг сўмлик алоқа симларини ўғирлаб кетишганини маълум қилишди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни ака-ука К. Абдор ва К. Асдорлар содир этгани аниқланиб, ушланди. Қилмишқидирмиш, деб шунга айтсалар керак-да.

**Ё. БОБОЖОНОВ,**  
**лейтенант.**

**ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ**





# POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

25-31-may

«TOSHKENT» ЖУМА, 11.35

## «Нофелет қаерда?» Б/ф.



«YOSHILAR» ШАНБА, 22.30  
«Такси».



## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

### КҮЙ



Мазкур ҳафта истиқбол режалари тузиш учун қулайдир. Янги дўстлар ва сафдошлар орттирасиз. Атрофингиздаги одамлар сизга самимий муносабатда бўлаётгандек туюлади. Бироқ ўзингизга ҳақиқатан ҳам шундайми, деган саволни берсангиз кўп нарса ойдинлашади. Етти ўлчаб, бир кес, мақолига амал қилишингиз лозим.

### СИГИР



Ушбу даврда омад сиз томонда бўлади. Ҳаётда ўз ўрнингизни топишга эришасиз. Жиддий қарорлар қабул қилишда шошмашошарлик ярамайди. Худбинлик одамлардан бездиришини унутманг. Тўғри йўлни танласангиз албатта, ишларингиз юришиб кетади.

### ЭГИЗАКЛАР



Билимингизни бойитиш имконияти туғилади. Дунёқарашингиз кенгайишида китоблар муҳим ўрин тутати. Атрофингизда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлманг. Ўзингизга керакли маълумотларни қўлга киритасиз.

### КИСКИЧБАҚА



Ҳафта давомида кутилаётган янгиликлар ҳаётингизни буткул ўзгартириб юборади. Вазият тақозосига кўра қарз олди-бердисини кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Хонадондаги ҳамжихатликни сақлаб қолишни истасангиз оила аъзоларингизнинг сизга бўлган ишончини йўқотманг.

### АРСЛОН



Шахсий муносабатларда барқарорлик ҳукм суради. Яқин кишингиз билан маслаҳатлашган ҳолда янги режалар тузасиз. Ўзига ёр излаётган инсон билан танишув ҳаётингизни ўзгартириб юориши мумкин. Нима бўлганда ҳам қалбингизга қулоқ тутиб иш кўринг.

### БОШОҚ



Соғлигингизни тиклашга эътибор беринг. Ўз вақтида қилинган муолажалар яхши самара беради. Ноҳуш ҳолатга тушмаслик учун атрофингиздаги одамлар билан муносабатларни яхши йўлга қўйинг. Хафагарчилик, гина-кудуратлардан қутилган тақдирдагина руҳингиз энгиллашиб, кайфиятингиз кўтарилади.

### ТАРОЗИ



Мазкур ҳафтада ишқ-муҳаббат бобида омад кулиб боқади. Ёлғиз кишилар ўз излаганларини учратиши мумкин. Хонадонингизда ҳамжихатлик бўлишига эришасиз. Бахтдан сархуш бўлиб, фарзандларингиз орзу-ҳавасларини ёддан чиқариб қўйманг.

### ЧАЁН



Яқин кишиларингиз билан муносабатларни яхшилаш учун қулай давр. Уй юмушларига вақт ажратишга ҳаракат қилинг. Хонадондаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишингиз зарур. Дам олиш кунлари ота-онанингизни бориб кўришни маслаҳат берамиз.

### ЁЙ



Атрофдагиларга ишончингиз ортиб, улар билан муносабатингиз яхшиланади. Аммо шуни унутмангки, ўта ишонувчанлик ҳам ярамайди. Ушбу ҳафтадаги сафарлар омадли кечади. Янги танишлар орттирасиз. Табиат қўйнидаги сайр сизга бир олам қувонч келтиради.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Молиявий масалаларда айрим тушунмовчиликлар кузатилади. Моддий аҳволингиз яхшиланиб боради. Пул сарфлаётганда тежамкорликни унутиб қўйишингиз мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамёнингиз бўшаб қолишига йўл қўймаслигингиз лозим. Дам олиш кунлари хонадонингизга дўстларингиз ташриф буюради.

### КОВҒА



Оилавий масалаларни кейинга қолдирмай, дарҳол ҳал қилганингиз маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида харидлар билан шуғулланасиз. Кучмас мулк яхшигина даромад келтириши мумкин. Яқинларингиздан совға олишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ижод билан шуғулланиш завқли кечади.

### БАЛИК



Ўз ҳаётингизда тушунарсиз, галати ҳодисаларнинг гувоҳи бўласиз. Ички дунёингизни чуқур англаб олишингиз аниқ вақтидир. Анчадан бери қийнаётган муаммо юзасидан бир тўхтама келишдан олдин чуқурроқ ўйлаб кўринг. Ҳар бир масала бўйича яқинларингиз маслаҳатига таяниб иш кўрсангиз ютқазмайсиз.

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.05 «Изхор».  
7.10 ТелеТеатр: «От йиғлаган томонда».  
7.50 «Олтин мерос».  
8.00 «Тахилнома».  
8.40 «Робин Гуд». Т/с.  
9.20 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
10.20 «Болалар дунёси».  
10.40 «Тандир нон». М/ф.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Йигит кўнгли». Т/с.  
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табииати».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Янги ўқувчи». В/ф.  
13.35 «Кизиқарли математика». М/с.  
14.00 «Ахборот».  
14.15 «Ватанпарвар».  
14.55 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».  
15.45 «Бир кун».  
16.15 «Аждодлар мероси - келажак пойдевори». 1-кисм.  
16.40 «Икки дарё оралигида».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Хаёт ва қонун».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
18.00 «Олтин мерос».  
18.05 Т/с «Бобур».  
18.50 «Учун».  
19.00 «Сунги кўнгирак».  
19.20 «ТВ - шифокор».  
19.30 «Ахборот». (рус).  
20.05 «Йигит кўнгли». Т/с.  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.00 «Ахборот».  
21.30 «Парламент вақти».  
21.50 «Робин Гуд». Т/с.  
22.50 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».  
23.40 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
23.50 «Ватанпарвар».  
00.30 «Аждодлар мероси - келажак пойдевори». 1-кисм.  
01.00 «Ахборот». (рус).  
01.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табииати».  
01.40 «Чемпион».  
02.00 «Маънавият» дастури.  
04.00 «Ахборот».  
04.30 ТелеТеатр: «От йиғлаган томонда».  
05.10 «Икки дарё оралигида».  
05.30 «Очун».  
05.40 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

14.55 «Yoshlar» саломи.  
15.00 «Камолот».  
15.10 «Бугундан эсдалик».  
15.30 «Тошканди азим».  
15.35 «Афросиёб афсонаси».  
15.55 «Қишлоғимга хат».  
16.00 «Давр».  
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».  
16.30 «Ўзбегим».  
16.50 «Тошкент таронаси».  
17.00 «Даврнинг боласи».  
17.10 «Мароқли математика».  
17.20 «Троллар ўлкаси».  
М/ф.  
17.40 «Илхом қанотлари».

17.45 Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».  
17.55 «Ўзбек адабиёти».  
18.00 «Тафаккур чирои».  
18.10 Миллий сериал: «Хаёт сабоқлари».  
18.45 «UzEX».  
18.50 «Тошкент-2200».  
19.00 «Давр».  
19.30 «Ўғирланган орзу».  
Т/с.  
20.20 «Автопатруль».  
20.40 Тошкент шахрининг 2200 йиллигига: «Шарқ га-вҳари».  
21.00 «Шамоллар мусавири». Т/с.  
21.55 «Тошканди азим».  
22.00 «Давр».  
22.30 Киноклассика: «Мафтунигман».  
23.50 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.25 «Салом, Тошкент!»  
8.30 «Бозор кўрмаган йигит». В/ф.  
9.50 «Карвонсарой».  
10.00 «Кейт ва Лео». Б/ф.  
11.55 «Тошкент-2200».  
12.00 «Бир сафда». Х/ф.  
12.20 «Муқаддас қадам-жо».  
12.40 «Чашмаи нур». Х/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
14.55 «Ягонамансан, Тошкентим».  
15.00 «Пойтахт».  
15.25 «Галактика». Х/ф.  
16.15 «Тошкент-2200».  
16.20 «КИНОТАҚДИМ».  
16.45 «Абулқасимхон мадрасаси». Х/ф.  
17.00 «Муйқалам сеҳри».  
17.30 «Тошкент-2200».  
17.35 «Ака-ука Гриммлар».  
М/ф.  
17.45 «Карвонсарой».  
17.55, 21.45 «Телекурьер-маркет».  
18.15 «Аёл қалби».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Мухаббат қахваси».  
Т/с.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.45 «Ҳайрам».  
19.50 «Саломат бўлинг».  
(рус).  
20.00 «Пойтахт». (рус).  
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.  
21.00 «Милагрос». Т/с (рус).  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 «Дунё» теледастури.  
23.10 «Супермен возвращается». Х/ф.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Талқин».  
8.35 «Малахов +».  
9.30 «Версия».  
10.05 Т/с «Теннис академияси».  
10.30 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.  
11.10 «Вилотя спорти».  
12.10 «ПроФРИНГ».  
18.00 «Тет-а-тет».  
18.10 «Умид ниҳоллари».  
18.30 «Хабарлар» (рус).  
18.55 История ФИФА.  
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».  
19.50 Теннис «Ролан Гаррос».  
20.55 «Футбол шарҳи».  
21.30 «Хабарлар».  
21.55 Интерфутбол.  
23.50 «Тунигиз осуда бўлсин!»

**«Первый канал»**

4.00, 8.05 «Доброе утро».  
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.40, 2.00 Новости.  
8.30 Малахов +.  
9.30 Модный приговор.  
10.25 Контрольная закупка.  
11.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.  
12.20 «Детективы».  
13.25 Понять. Простить.  
14.15 «Хочу знать» с М. Ширвиндтом.  
14.50 «Давай поженимся!».  
15.55 Федеральный судья.  
17.20 Т/с «СЛЕД».  
18.05 «Жди меня».  
18.55 «Богатая и любимая». Фильм.  
20.00 «Время».  
20.30 «Охота на Берюю». Фильм.  
21.35 «Дмитрий Дожев. На светлой стороне жизни».  
22.35 «Познер».  
0.00 «Тихий дом» на Канском кинофестивале.  
0.30 Триллер «Темп».  
2.05 Фильм «Дикие штучки-2».

**«Россия»**

4.00 Доброе утро, Россия!  
7.55, 10.45, 13.40 Фильм «ВАРИАНТ «ОМЕГА»».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50, 3.45 Вести.  
17.00 «ОДНАЖДЫ БУДЕТ ЛЮБОВЬ». Т/с.  
18.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ». Т/с.  
19.50 Спокойной ночи, малыши!  
20.00 Т/с «Высший пилотаж».  
21.50 «Мой серебряный шар. Александр Балуев».  
23.10 Фильм «Мужская компания».  
0.40 Фильм «Перевал Касандры».  
2.45 Комната смеха.

**НТВ**

5.00 «Сегодня утром».  
8.00 Квартирный вопрос.  
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня.  
9.25, 14.30, 17.30 Чрезвычайное происшествие.  
10.00 Следствие вели....  
11.00 Суд присяжных.  
12.35 Т/с «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА».  
15.30 Т/с «АДВОКАТ».  
18.30 Т/с «ГОРОД СОБЛАЗНОВ».  
20.15 Т/с «МЕНТ В ЗАКОНЕ».  
21.10 Честный понедельник.  
22.20 Т/с «МЕРТВЫЕ ДО ВОСТРЕБОВАНИЯ».  
23.15 «Школа злословия».  
0.05 Футбольная ночь.  
0.35 Ты не поверишь! Обзор.  
1.05 Фильм «ПОСЛЕДНИЙ ПОВОРОТ НА БРУКЛИН».  
3.05 Особо опасен!  
3.40 Комедия «УХОДИМ ПОД ВОДУ».

**ТВ 3**

7.00 Мультфильмы.  
10.00, 19.05 «ЧЕЛОВЕК-НЕВИДИМКА». Т/с.  
11.00 Док. фильм. «Городские легенды. Древнее зло архангельского леса».

12.00 Х/ф «ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ».  
14.00 Х/ф «ЛАВИНА».  
16.00 Док. фильм. «Разрушители мифов».  
16.50 «Упс!»  
17.15 «ПСИ-ФАКТОР». Т/с.  
18.10 «ВАВИЛОН 5». Т/с.  
20.00 «МОЯ ЛЮБИМАЯ ВЕДЬМА». Т/с.  
21.00 Док. фильм. «Тайные знаки. Секретный дневник Гитлера».  
22.00 Док. фильм. «Затерянные миры. Мечта о философском камне».  
23.00 Х/ф «ОХОТНИК ЗА ПРИШЕЛЬЦАМИ».  
1.00 «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА». Т/с.  
2.00 «ПСИ-ФАКТОР». Т/с.  
3.00 Док. фильм. «Разрушители мифов».  
4.00 Х/ф «ВОССТАВШИЙ ИЗ АДА-6. ПОИСКИ АДА».  
6.00 Релакс.

**ТНТ**

5.00 Танцы без правил.  
6.00 Такси.  
6.30, 10.00 «Никелодооны».  
7.00 «Привет! Пока!».  
7.30 «Убойная лига».  
8.30 «Убойной ночи».  
9.00 «Женская лига». Комедия.  
9.30, 12.30, 17.00, 18.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.  
12.00 Такси.  
13.00 Линия успеха.  
13.30, 20.00, 22.35, 2.55 «Дом-2. Live».  
14.55 «СПИСОК КОНТАКТОВ». Боевик.  
17.30 «УНИВЕР». Ситком.  
18.00 Такси.  
19.30 «УНИВЕР». Ситком.  
21.00 Комедия «ШАРЫ ЯРОСТИ».  
23.10 «Убойной ночи».  
23.40 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Т/с.  
0.10 «Привет! Пока!»  
1.10 «ВЕРТИСЬ, СТРЕЛЯЙ И БЕГИ!» Мелодрама.  
3.45 «Необъяснимо, но факт».  
4.45 «САША + МАША». Комедия.

**СТС**

7.00 «ЭВРИКА». Х/ф.  
7.55, 14.30 Мультфильмы.  
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».  
9.00, 21.00 «РАНЕТКИ». Драмеда.  
10.00 Истории в деталях.  
11.00, 13.00, 17.00 «Галилео». Журнал.  
Шунинг учун мамлакатимизда оила, оналик ва болалик муҳофазаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислам Каримов: «Озод ва обод Ватан, фуқаролик жамиятини барпо этиш, тараққий топган давлатлар ва халқлар қаторига кўтарилишимиздек улуг мақсадларимиз, ҳеч шубҳасиз ёшлар масаласини нечоғли оқилона амалга оширишимизга боғлиқ», деб бежиз таъкидламаган эдилар. Дарҳақиқат, истиқдолнинг дастлабки кунларидан келажақ авлоднинг маънавий, жисмоний, руҳий тарбиясига, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига жиддий эътибор қаратилиб, бу борда жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда илм-фан билан шуғулланаётган ёшлар, олий ўқув юртларида намунали билим олаётган талабаларга Президент стипендияси берилмоқда. Ўз иқтидори билан тенгдошларидан ажралиб турган талабалар учун хорижда ўқиш имконияти яратилган. Истеъдодли ёшларга «Зулфия», «Ниҳол» мукофотлари берилётгани уларни янада илҳомлантирмоқда. Ватан ягонадир, Ватан биттадир, деган истиқдол ғоясини ўсмир-ёшлар онги ва тафаккурига сингдириш, уни ҳаётий эҳтиёжга айлантириш – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг энг олий, энг устувор мақсадларидан бирига айланган.

Болаларнинг маънавий ҳамда жисмоний қувватини уйғунлаштириш, эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этиш ҳар бир даврнинг, яна ҳам аниқроғи, миллатнинг, давлатнинг, жамиятнинг бирламчи вазифасидир. Зеро, кишининг руҳий ҳолати, кайфиятидаги кескин ўзгаришлар унинг жисмоний ҳолатига таъсир этади. Руҳий ҳолат билан жисмоний ҳолат ўртасидаги мувозанат ва барқарорлик сўхат-саломатлик гаровидир. Тан ва руҳ уйғунлиги саодатдир, дея ўргатади Шарқ фалсафаси ҳам. Шунинг учун истиқдолнинг илк кунларидан спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Кейинги пайтда юртимиз кўркига кўрк қўшган кўплаб болалар спорт мажмуалари, уйингоҳлар ва майдончалар барпо этилди, янги спорт уюшмалари очилди. Қизлар ўртасида бадий гимнастика, сув спорти, теннис каби спорт турлари ривожланди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ёш авлод камолоти кўзланган спорт тadbирлари уч поғонада ўтказилмоқда. Мактаб ўқувчилари орасида «Умид ниҳоллари», коллеж, лицей ва академик лицейларда «Баркамол авлод», олий ўқув юртларида эса «Универсиада» мусобақалари йўлга қўйилган. Ушбу баҳслар кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этиб, булоқ сувларининг «кузини» очмоқда.

Масалан, «Умид ниҳоллари»нинг биринчи босқичи туманларда кузги таътилда ўтказилади. Иккинчи босқичи қишги таътил пайтида вилоят бўйича бўлиб ўтади. Учинчи – республика босқичи эса баҳорги таътилга тўғри келади. Кўриниб турибдики, болаларнинг бўш вақти ҳар қайси даврда



мазмунли ўтиши қатъий режалаштирилган. Беллашувлар 11 турда ташкил этилмоқда. Агар биринчи босқичда 5 миллион 300 минг йигит-қизлар баҳслашган бўлса, иккинчисида 1 миллион 231 минг 630, учинчи босқичда эса 1918 нафар ўқувчи қатнашди.

Яна бир томони, ҳомийлар имкон қадар кўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишяпти. Мусобақа ўтказиладиган мактаблар ва спорт майдонлари қайта таъмирланиб, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланаёпти. Болаларнинг етиб келиши ва меҳмонхоналарга жойлашиши ҳам диққат марказида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони бу йўлдаги яна бир қўллаг қадим, болалар ва оилаларга ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Ушбу ҳужжатда жамғарманинг асосий вазифалари – болаларда спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, маънавий ва жисмоний камолот сари интилиш, болаларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш каби мақсад ва вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, қишлоқ жойларида биринчи навбатда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Маълумки, ЮНИСЕФнинг ижтимоий мониторинг ва бошқа тадқиқотларида Ўзбекистонда болаларнинг соғлигини асраш, уларни касбга йўналтириш борасида давлат харажатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катталиги, оналар ва болалар фаровонлигининг айрим кўрсаткичлари бўйича республикамиз халқаро форумларнинг яқин келажақ учун ишлаб чиққан тавсияларидан

ўзиб кетганлиги таъкидланади. Бу барчамиз учун фахрлидир.

Мустақиллик йиллари юртимизда болалар ҳуқуқий ҳолатини белгилаш, ҳимоя қилиш ва бола ҳуқуқлари кафолатларининг аниқ механизмлари яратилди. Мамлакат парламенти 1992 йил декабрь ойида БМТнинг «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияни ратификация қилди. Ушбу декларация нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, Президентимизнинг кўплаб Фармон ва қарорлари, республика ҳукуматининг инсон ҳуқуқларини кафолатловчи қарорлари ҳамда дастурларида ўз аксини топди.

Ўтган йили эса «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам қабул қилинди. Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 14 мартда қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида тасдиқланди ҳамда мамлакатимиз Президентини томонидан имзоланди. Шунингдек, ўтган йили болалар ҳуқуқларига доир талайгина қонунлар қабул қилинди.

Дунёда миграция жараёнининг кучайиши муносабати билан одам савдоси қамрови тобора кенгаймоқда. Ҳар йили жаҳонда 2 млн. 700 минг

нафарга яқин шахс мазкур жиноятнинг қурбони бўлиб, шулардан 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини узида ифода этган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ва унинг нормалари бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг умумэтироф этилган жаҳон стандартларига мувофиқ бўлиб, Ўзбекистон ўзи қўшилган халқаро шартномалар ва конвенцияларга содиқ эканлиги ва зиммасига олган мажбуриятларни қатъият билан адо этаётганидан яна бир бор далолат беради.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслардаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид нормалар янада такомиллаштирилди.

Айни кунларда «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг фракциялари йиғилишларида муҳокама қилинмоқда.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) «Ишга қабул қилишда энг кичик ёш тўғрисида»ги (1976 йил 26 июн, Женева) Конвенциясининг 2-моддасига биноан ишга қабул қилишда энг кичик ёш умуммажбурий таълимни тугатган пайтдаги ёшдан паст бўлмаслиги ва барча ҳолатларда 15 ёшдан кичик бўлмаслиги белгиланган. Қонунчиликка мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш зарурати Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни талаблари, хусусан, мажбурий умумий ўрта таълим олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция талаблари, болаларнинг таълим олишига халақит берадиган ишни бажаришдан ҳимоя қилиш асосида юзага келди.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2009 йил 26 январдаги 4-сонли баёнига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш 15 ёш деб тасдиқланди ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тегишли баёнот Халқаро Меҳнат Ташкилотига юборилди.

Миллий қонунчилигимизнинг меҳнат ҳуқуқи ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмига ўзгартишлар киритилгани халқаро меҳнат ҳуқуқи стандартлари ва таълим тўғрисидаги қонунчилик талабларига мос келади. Бу эса ўз навбатида, таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъерий ҳужжатлар талаблари тўлиқ бажарилаётгани ҳамда Ўзбекистонда умуминсоний қадриятлар, бола ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга доир давлат сиёсати амалга оширилаётганини кўрсатади.

**Раъно ЗАРИПОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

## ТҮЙХАТ ҲАҚИДА

## ЕТМИШ БАҲОР ҲАҚИҚАТЛАРИ

Туну кун хушёр, узларига юклатилган шарафли вазифаларни виждонан бажарётган ички ишлар идоралари ходимлари ва бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларнинг ҳалол меҳнатларини эътироф этиб, ёшларга ибрат қилиб кўрсатсак, шунча оздек туюлаверади.

Ички ишлар идораларида хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди. Бу соҳа кишидан мустақкам ирода, сабр-бардош ва юксак масъулият талаб этади. Раҳматулла Бобожонов ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида буни яхши англаган ва ҳеч иккиланмай ҳаётини ана шу соҳа билан боғлаганди. Пойтахт вилоятининг Тошкент туманида оддий деҳқон оиласида туғилган бу йигит хизматга киргунига қадар турмушнинг турли синовларидан ўтган, иродаси тобланган эди. Беғубор болалик ва ўсмирлик йиллари уруш даврига ва ундан кейинги қайта тиклаш йилларига тўғри келган Раҳматулла

ўрта мактабни тамомлагач, 1956 йилдан 1959 йилга қадар хўжаликда ишлади.

Халқимизнинг ўқишга кам бўлмайди, деган нақлига амал қилиб, 1959-1962 йилларда тиббиёт билим юртида сабоқ олди. Кишиларга яхшилик улашиш, халққа қилинган ҳолис хизмат бир кун келиб, албатта, ўз натижасини беради. Ана шу ҳақиқатни яхши англаган Раҳматулла билим юртини битириб, 1971 йилга қадар Тошкент шаҳридаги шифохоналардан бирида ишлади. Албатта, илм-маърифатнинг чек-чегараси йўқ. Ўз билимидан кўнгли тўлмагани боис, ишдан ажралмаган ҳолда 1965 йилдан 1971 йилгача Тошкент давлат университетини юридик факультетининг кечки бўлимида таҳсил олди. Раҳматулла олий маълумотга эга бўлгач, дастлаб бир йил давомида Олмалиқ шаҳар прокуратурасида иш ўрганди, устозларидан ҳуқуқшунослик назариясига оид олган билимларини амалиётга қўлади.

Турли соҳаларда ишлаб, бой ҳаётий тажриба тўплаган Раҳматулла Бобожонов ўз қобилиятини ички иш-

лар идораларида синаб кўришга аҳд қилди. Шу тариқа у 1972 йил сентябрида ички ишлар идораларига хизматга қабул қилинди.

Р. Бобожонов хизматни ахлоқ тузатиш муассасаларида озодликдан маҳрум қилинганлар билан сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боровчи йуриқчи лавозимдан бошлади. Ўзининг ишчанлиги, мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда мустақил фикрлаши билан раҳбарлар эътиборига тушди. Сўнгра махсус қисм бошлиги, муассаса бошлиги ўринбо-

лари, унинг навбатчи ёрдамчиси вазифаларида баракали ишлаб, катта тажриба орттирди.

У 1990 йилдан бошлаб Тошкент вилояти ИИБ тизимларида турли лавозимларда самарали ишлади. Р. Бобожонов қайси лавозимда хизмат қилмасин, ҳамма ерда ўзининг ишчанлиги, тўғрисиқлиги, камтарлиги билан ажралиб турди. Шунинг учун булса керак, шахсий таркиб ўртасида обрў ва эътибор қозонди.

Раҳбарлик, кўпчилик билан ишлаш, умуман, кишиларни бошқариш санъа-

тини мукамал эгаллаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган мураккаб иш. Ўзини моҳир ташкилотчи, билимдон раҳбар ва ёшларнинг сеvimли мураббийси сифатида намоён қилган Р. Бобожоновни 1995 йил ноябрдан Тошкент вилояти ИИБ бошлиги ўринбосари — ахлоқ тузатиш ишлари бўйича бўлим бошлиги лавозимига тайинлашди. У қаерда ишласин, ўз фаолиятини жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борди. Шу сабабдан ҳар қандай жамоада ҳам кўл остидагилар билан тезда тил топиб кета олди, ҳурматга сазовор бўлди. 1998 йилдан эса ИИБ ЖИЭБда бўлим бошлиги лавозимида ишлади. Тизимда узоқ ва самарали хизмат қилган Раҳматулла ака 2001 йил май ойидан ички ишлар идоралари хизматидан обрў-эътибор ва ҳурмат-эътиром билан истеъфога чиқди.

Истеъфодаги полковник Раҳматулла ака яқиндагина ўзининг етмиш баҳорини нишонлади. У киши тақдирдан мамнун. Негаки, бугунги кунда ўғил-қизлари, келин-куёвлари, невар ва эваралари эъзозида ҳаловат-

ли кексалик нашидасини сурмоқда. Устоз ҳамон шоғирларининг жонкуяр маслаҳатчиси, маҳалла аҳлининг файзли дуғуғи. Суякли турмуш ўртоқлари Муҳаббат ая билан икки ўғил, уч қизни тарбиялаб, вояга етказдилар. Уларнинг барчасини ўқитиб, олий маълумотли қилдилар. Бугунги кунда фарзандлари ўз касбининг моҳир билимдони сифатида эл-юрт хизматида. Тўғриқўйиллари Дилшод ота изидан бориб, ички ишлар идораларида хизмат қилмоқда. Дилмурод, Дилфуза, Умида ва Доноҳонлар эса онажонларидек эл суйган фахрли касбни — ўқитувчи ва мураббийликни танлашган. Улар улғайиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашдек муҳим ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Биз табарруқ ёшни қарши олган Раҳматулла отага мустақкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз! Пиру бадавлат отахон фарзандлари, невар-эваралари ва эл-юрт ардоғида мудом ҳурматда, эътиборда бўлаверсинлар!

Норали ОЧИЛОВ,  
журналист.

Суратда: Р. Бобожонов оила аъзолари билан.

Абу КЕНЖАЕВ  
олган сурат.

СЕРМАЗМУН  
ҲАЁТ ЙЎЛИ

Ўринбой Абдукаримов узоқ йиллик меҳнати тўғрисида эл орасида ҳурмат топди. Бу пиру бадавлат отахонни ички ишлар идоралари фахрийлари оқсоқоли, десак асло муболаға бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикасида таваллуд топган Ў. Абдукаримов ўрта мактабни битиргач, Тўрткўл педагогика билим юртига ўқишга кирди. Уни муваффақиятли тамомлаб мактабда дарс бера бошлади. Аммо шу йили Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Тенгдошлари қатори фронтга отланган Ўринбой душманга қарши мардонавор жанг қилди. Айнан ана шу оловли йилларда иродаси тобланди, ақли чархланди.

Уруш тугагач, Ўринбой меҳнат фаолиятини Қорақалпоғистон Республикасининг Манғит (ҳозирги Амударё) туманида суд ижроси вазифасида давом эттирди. Ушбу соҳада ишлар экан, жиноят содир этган шахсларнинг ҳаёт тарзини чуқурроқ ўрганишга киришди.

Орадан бир йил ўтгач, Тошкентдаги ички ишлар идоралари раҳбарларини тайёрлаш курсида таълим олди. Шундан сўнг 25 йиллик фаолияти давомида вилоят ИИБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Хонқа ва Янгиариқ туманлари ИИБ бошлиги лавозимларида самарали хизмат қилди.

Ўринбой Абдукаримов йиллар давомида ўз билими ва тажрибасини ошириб бориб, ёш ходимларни тарбиялаш, уларга касб сирларини пухта ўргатишга ҳаракат қилди. Юзлаб шоғирлар етиштирди. У истеъфодаги чиккач, вилоят ИИБ фахрийлар кенгашига раҳбарлик қила бошлади. Бу фидойи инсон ўз умрининг 65 йилини юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашга бағишлади.

— Ҳаётимда ёрқин из қолдирган воқеалардан бири шуки, Хотира ва кадрлаш кун муносабати билан Тошкент шаҳридаги Хотира майдонининг очилиш маросимида иштирок этганман. Шу муқаддас қадамжода Юртбошимиз билан суҳбатлашиш, у кишига хоразмлик фахрийларнинг дил сўзлари, орзу тилаклари, миннатдорчилигини етказиш бахтига муяссар бўлдим. Бу ҳаяжонли онлар менга битмас-туганмас кувонч, куч-гайрат бахш этди, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, истеъфодаги капитан Ўринбой ота Абдукаримов.

Отахоннинг умр йўли ёрқин ва ёшлар учун ибратлидир. Табарруқ ёшдаги Ўринбой ота Абдукаримов ҳамон сафда. У вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси вазифасида сидқидилдан меҳнат қилиб, фахрийларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёш ходимларни баҳраманд қилмоқда. Хайрли ва савобли ишларга бош-қош бўлаёпти. От ўрнини той босар, деганларидек Ўринбой отанинг тўғри фарзанди Улғубек Абдукаримов ота изидан бориб, узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилди ва ўтган йили подполковник унвонига нафақага чиқди. Айни пайтда отахоннинг невараси, сержант Умиджон Абдукаримов оила аънарасини давом эттириб, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизматида фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунларда Ўринбой ота Абдукаримов ўзининг 90 йиллик тўйини нишонлаш арафасида. Умрингиз бундан-да сермазмун, файзли бўлсин, Ўринбой ота!

Худойберган ЖАББОРОВ,  
«Постда» мухбири.  
Қўзи ДАВЛЕТОВ,  
истеъфодаги  
подполковник.  
Суратда: Ўринбой ота  
Абдукаримов невараси  
Рисолат билан.

## ЭЛ-ЮРТГА БАХШИДА УМР

Ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлар ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, фидойилиги ва мардлигига қойил қолмай иложимиз йўқ. Оддий деҳқон оиласида дунёга келган Тура Ҳайтов ҳам ўз умрини эл-юрт осойишталигига бағишлаган инсонлардан бири. У қарийб ўттиз йил ички ишлар идораларининг турли хизматларида самарали фаолият кўрсатган.

Истеъфодаги полковник Тура ота Ҳайтов болалигини яхши эслади. Бу беғубор даври Самарқанд вилояти Ургут туманидаги сўлим қишлоқлардан бирида ўтган. Ўсмирлик чоғидаёқ қалбида туғилган орзу вақт ўтиши билан мақсадга айланди. Ўрта мактабни битирган Т. Ҳайтов Свердлов ёнғин техник билим юртига ўқишга кирди. 1960 йилда уни муваффақиятли битириб, юртига қайтди. Дастлабки хизмат фаолиятини Ургут тумани ИИБда ёнғин хавфсизлиги инспектори вазифасида бошлади. Ўз ишига масъулият билан ёндашувчан, тиришқоқ ва дилкаш бу йигит тезда жамоада ўз ўрнини топди, эътиборга тушди. Кейинчалик Пастдарғом тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизматида инспектор, катта инспектор бўлиб ишлаган кезлари ўз билими, хизматга муносабати ва касбини қай даражада эъзозлашини ёрқин намоён этди.

Собиқ Иттифок микёсида ёнғин хавфсизлиги ходимлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг у Наманган вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиги ўринбосари этиб тайинланди. Доимо изланиш, ўз устида



ишладан чарчамайдиган Т. Ҳайтов 1969 йилда Собиқ Иттифок ИИБ олий милиция мактабининг тергов ходимларини тайёрлаш факультетига ўқишга қабул қилинди. Олий милиция мактабининг битириб қайтгач, уни Сурхондарё вилояти ИИБ иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиги этиб тайинлашди. Айнан ўша кезлари Т. Ҳайтов кўплаб уюшган жиноий гуруҳларнинг кирдикорларини фож қилди, жиноят илдизига болта урди. У ҳуқуқбузарларга мурасимиз бўлиш баробарида ҳам-касблари, айниқса, ёш ходимларга меҳрибон, гамхўр эди. Дилкаш, самимийлиги учун уни барча ҳурмат қилар, кўпчилик унга ўхшашга интиларди.

Т. Ҳайтов Собик Иттифок ИИБ Академияси раҳбар

ходимлар тайёрлаш факультетига таҳсил олиб қайтгач, яна бироз муддат хизматни давом эттирди. Сўнгра республика ИИБда бўлим бошлиги бўлиб ишлади. Ушбу бўлим бошқармага айлантирилгач, раҳбар этиб тайинланди. Билдирилган ишонччи оқлаб, ҳалол меҳнат қилган Т. Ҳайтовнинг раҳбарлик қобилияти, чинакам инсоний фазилатлари, ёшларга устозларча меҳрибонлиги тўғрисида бошқармада тартиб-интизом, хизматга муносабат тубдан яхшиланди. 1982 йилда у Навоий вилояти ИИБга бошлиқ бўлди. Энди ушбу ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, шахсий таркибга эса етарли шарт-шароитлар яратиш унинг асосий мақсадига айланди ва бу борада кўплаб ишларни амалга оширди.

Албатта, фидойилик ҳамisha ўз эътирофини топади. Шундай бўлди ҳам. Полковник Т. Ҳайтов фаолияти давомида кўплаб орден, медал ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Шу кунларда у киши табарруқ 75 ёшни қаршиламоқда. Умр йўлдоши Зухра ая билан етти фарзанднинг роҳатини кўриб, умргузаронлик қилишмоқда. Шоғирлар ҳамон отахоннинг хонадонига шошишади. Бу бежиз эмас, албатта. Элда эъзоз топган фахрийнинг ҳаёт мактабига айланган бой тажрибаси уларни ўзига чорливеради.

Умида БОЛЛИЕВА,  
«Постда» мухбири.  
Тошкент шаҳри.



ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

# «ТУЗОҚ»ЛИ ТАКЛИФНИНГ ТАШВИШЛАРИ

**Тўрткўлик Тоҳир Юсупов Россия давлати-га иш излаб бориб, кўп вақт ўтмай қайтиб келди. Аниқроғи, қурилишда ойлик берилишини кутиб юргандан кўра, ишчи кучи сотиб, пул топишни маъқул кўрди.**

У Салман деган шахс билан тасодифан танишиб қолган эди, фикрлари бир ердан чиқиб, кадрлон бўлиб қолишди. Сўхбатдоши режани пухта амалга ошириш учун унга анчагина пул берди. Уйига қайтиб келган Тоҳир кўпроқ одам топиш мақсадида умр йўлдоши Меҳрибонни ҳам ишга солди. Хотини тўй-маъракаларда эрининг қисқа фурсатда кўп пул ишлаб келгани, ана шундай даромадли жойга одамларни олиб кетаётганини тузуккина «реклама» қилди. Тоҳир эса танишларига кўнғироқ қилиб, Россияда яхшигина пул туланадиган қурилиш объекти топгани, ишлашни хоҳловчиларни ўша ерга олиб боришини айтди. Ойига саккиз юз АҚШ доллари, яна турар жой ва бепул овқат билан таъминланишини эшитган одамлар орқа-олдини ўйламай «ҳожатбарор»нинг рўйхатига ёзилишди. Улар орасида ҳали суяги меҳнатда қотмаган ёшлар ҳам бор эди.

Шу тариха унга эргашиб Атабек Аҳмедов, Неъматжон Матякубов, Зойирбек Ботиров, Жўрабек Ҳасанов, Жасур Аллаков, чимбойлик Саламатдин Абдиреймов, тахтакўпирлик Султанбай Базаров ва Баҳодир Отенязовлар гоҳ поезд, гоҳ автобусда бир неча кун деганда айтилган манзилга етиб боришди. Йўл азоби – гўр азоби дейишади. Афсуски, толиққан йўловчиларга нафасларини ростлаб олишига имкон беришмади. Ёлланган ишчилар дарҳол ишга киришишди. Бир неча кун олдин кўшниси, таниши, ҳамшаҳарининг кутилмаган таклифидан улар нималарни тасаввур қилгани бизга қоронғи.

Аммо кифтини келтириб мақталган шароитдан асар ҳам йўқ эди.

Кечга бориб Тоҳирнинг ҳам қораси кўринмай қолди. Иш берувчи Тоҳир билан ҳисобкитоб қилгани, иш ҳақини ундан олишларини маълум қилди. Фуқаролик паспортлари олиб кўйилган, бир сўмсиз ва чорасиз қолган фуқаролар оч-наҳор ўн-ўн беш соатлаб ишлашга мажбур эди. Тоҳир эса бели қайишмай топган мўмай даромаддан руҳланиб, қуруқ ваъдаларни маржондай териб, яна одамларни ўзига жалб эта бошлади. Пул топишда ҳар қандай қинғирликдан қайтмайдиган бу фирибгар ҳамюртларига заррача ачинмаслиги аниқ. Лекин унинг тузоғига тушиб, ўзга юртда қийналаётганлар бошқаларнинг ҳам азоб чекишини исташмади ва бу ҳақда яқинларига хабар беришди.

Ўз вақтида туман ИИБга қилинган мурожаат натижасида тезкор чора-тадбирлар кўрилиб, Тоҳир Юсупов навбатдаги гуруҳни ишчи кучи сифатида чет давлатга олиб кетишга уринганида қўлга олинди. У суд томонидан тегишли жазо олди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Эртага бошқа бировнинг бундан ҳам яхши таклифига кўниб, унга эргашиб кетмаслигимизга ким кафолат бера олади? Айтайлик, сизга яхши иш таклиф қилишди, шошилинч қарор қабул қилманг. Бу таклифни ўрганиш, текшириш ва ишонч ҳосил қилишингизга вақт етарли. Энг муҳими, хушёрликни унутманг.

**Мирзабек ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
катта лейтенант.

Қорақалпоғистон Республикаси.

ГИЁҲВАНДЛИК – ИЛЛАТ

# ҲАЛОКАТ СИРТМОҒИ

На миллат, на сарҳад танламайдиган, аср вабоси дея эътироф этилаётган гиёҳвандлик моддаларини сотиш, сақлаш ва ўтказиш энг мудҳиш жиноят эканлигини кўпчилик яхши билади. Аммо унинг ортидан бойишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган баъзи шахслар нафс йўлида тобора тубанлик ботқоғига ботиб бораётир. Жумладан, Қарши шаҳрида яшовчи, беш фарзанднинг отаси Ш. Бегатов ҳам ана шундайлар тоифасидан экан.

У ўз ҳовлисининг бир чеккасига таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик экди. Умрида томорқада ишлашга бўйни ёр бермайдиган эрининг бундай хатти-ҳаракатидан ҳайрон қолган хотинини ҳам аллади. «Мана шу экилаётган ўсимликни парваришлаб, йиғиштириб олсақ тезда бойиб кетамиз. Менинг йўғимда кўз-қулоқ бўлиб тур», дея хотинига тайинлади.

Ҳеч нарсага тушунмаган аёл ўзича бу уруғи танқис гул шекилли, деган ҳаёлда ошхонага йўналди. Шундан сўнг Шамси кунлар, ойларни санаб вақт ўтказди. Экилган уруғ ниш уриб, бўй кўрсатди. Ўсимлик барқ уриб ривожланган сари Шамсининг ҳам орзулари кўнаиб борди. Ўзига оҳанграбодек тортаётган бу гиёҳлар кези келиб жинойий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлишини бирров бўлса-да, ҳаёлига келтирмади. Охириги вақтларда деярли ўша ўсимлик ёнидан жилмади.

Ниҳоят, «ҳосил»ни йиғиштириб олган «боғбон» уни қуришиб, сотиш мақсадида гугурт қутичаларига жойлади. Аввал харидор топишни ўйлаган оғуфуруш таниш-билишларининг қўйнига қўл солиб кўрди. Лекин ҳар гал эҳтиёткорлик билан гапнинг учини чиқа-

риб, охирини мужмаллаштириши масаланинг ечимини чигаллаштирарди. Ишончли харидор топишдан умидини узган Шамсининг тоқати тоқ бўлиб, чўнтагига гугурт қутиларни жойлади-да, кўчага отланди. Гарчи борар манзили ноаниқ бўлса-да, атрофга аланглаб, йўлида давом этди. Унинг шубҳали ҳаракатлари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари назарига тушди. Муқаллам судланган бу шахс холислар иштирокида текшириб кўрилганда, ёнидан 18 грамм марихуана топилди.

Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Оғуфуруш бир марта жазо муддатини ўтаб ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармади. У яна жиноятга қўл ургани учун тегишли жазо олди.

**Азиз МЕЙЛИЕВ,**  
Қарши шаҳар ИИБ  
терговчиси,  
катта лейтенант.

ҲУКМ ҲАҚИДА

# ОПА-УКАНИНГ КИРДИКОРИ

**Пул пулни топади. Даромад эса ҳисобкитоб билан қўлга киритилади. Яъни, қиримга қараб чиқим ҳам бўлади. Б. Рузи тадбиркорликка қўл уриб, “Бухоро таъмир капитал” масъулияти чекланган жамиятга раҳбарлик қила бошлагач, фикри-ёди мўмай пул топиш бўлиб қолди.**

Шаҳарда бунёдкорлик ишлари авж олган эмасми, қурилиш ва таъмирлаш ишларига буюртмалар кўпайиб кетди. Қўли-қўлига тегмаётган тадбиркор ҳисобхона ишларини бир четга суриб қўйди. Ҳатто ҳисобхона журналини ҳам очмади. Бунинг оқибатида жамиятнинг ишлари ҳақидаги маълумотлар чалкашиб кетди.

Лекин тадбиркорлик фаолиятида маълум бир тартибга амал қилиш мажбурияти бор. Б. Рузи опаси, олий маълумотли Мақсудани бош ҳисобчи қилиб ишга олган бўлса-да, аслида барча ҳужжатларни ўз қўлида ушлаб, уларни тўғри юриштиш лозимлигини ҳаёлига ҳам келтирмади. Оқибатда бош ҳисобчи кўр-кўрона имзо қўйиб, давлат солиқ идорасига топширилган ҳисоботларнинг миси чиқди. Бунинг устига солиқ қонунчилигига риоя этилганлиги бўйича ўтказилган текширувлар масъулияти чекланган жамиятнинг кирдикорларини фош қилди.

Текширувлар чоғида жамиятда 2007 йил май ойидан 2008 йил октябрга қадар 15.171,2 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлангани аниқланди. Шунингдек, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекция-

сига топширилган бир қатор чорак ҳисоботлардаги раҳбарнинг имзоси қалбакилаштирилгани ва бу ҳужжатлардан қонунга хилоф равишда фойдаланилгани аён бўлди. Бундан ташқари, жамиятнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар – ҳисобхона журнали ва бош китоб қасддан йўқ қилингани ҳам аён бўлди.

Жамиятнинг бош ҳисобчиси олий маълумотли мутахассис. У қонунни ҳам, бухгалтерия ҳисоб-китобларини ҳам яхши билади. Унинг укаси билан келишиб, тил бириктириб, моддий бойлик орттириш мақсадида ғайриқонуний ишларни амалга оширгани – жиноят. Ҳар бир ишда иймон, инсоф, ҳалоллик деган инсоний тушунчалар бор. Уларни четлаб ўтиш, белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга амал қилмасликнинг оқибати ёмон. Қолаверса, тадбиркорликда ўзбошимча хатти-ҳаракат, қонунларимизни пиланд қилмасликка нисбатан жинойий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди иқтисодий жиноятга қўл урган опа-укаларнинг кирдикори устидан ҳукм чиқарди. Уларга уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Ҳар ойлик иш ҳақининг маълум фонзи давлат ҳисобига ўтказиладиган бўлди. Шунингдек, суд Бухоро шаҳар прокурорининг даъво аризасини қаноатлантириб, судланувчилардан солидар тартибда давлат фойдасига 6 млн. 171 минг 200 сўм ундирилишини қатъий белгилади.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**

Бухоро вилояти.

**Ўтган ҳафта мобайнида республикада худудда 152 та ёнғин ҳолати қайд этилди. Улар туфайли етказилган моддий зарар миқдори 4 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилди. Турли сабабларга кўра юзага келган ёнғинларда етти нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олди.**

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғини худуддаги Охуновлар хонадониде ёнғин рўй берди. Бунинг натижасида ҳаммом ва уйнинг 85 кв. м. майдондаги том қисми ва уй жиҳозлари зарар

кўрди. Абдулла ака ҳаммомни қизитиш учун газли иситиш печини ёқиб, ташқарига чиқиб кетади. Печь узоқ вақт назоратсиз қолиши натижасида қаттиқ қизиби, ёнғин чиқишига сабаб бўлади.

Фарғона вилояти



## ХАБАР ҚИЛАДИ



Риштон туманида яшовчи Зафар исмли юртдошимиз хонадондаги газ плитасини ёқишда эҳтиётсизликка йўл қўйди. Аввал газ жўмрагини охиригача очиб қўйиб, сўнгра гугурт чаққан эди чақнаш содир бўлиб, 65 фоизли куйиш тан жароҳати олди.

Қашқадарё вилояти

Қамаши тумани Чим-кўрғон йўлида ҳаракатланиб кетаётган А. Шақров бошқарувидаги «Ваз-2106» русумли автомобилнинг мотор қисмидан чиққан тутун ҳайдовчинини тўхташга мажбур қилди. Капот остидаги электр симларнинг қисқа туташуви ёнғин чиқишига олиб келган эди. Автомобилнинг мо-

тор ва салон қисмлари ёнғиндан жиддий шикастланди.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Қорақамиш даҳасида жойлашган кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи Полвонованинг лоқайдлиги ёнғин чиқишига сабаб бўлди. Назоратсиз қолдирилган пахта ёғи қаттиқ қизиши натижасида алангаланиб, уйнинг 60 кв. м. майдони, шунингдек, кўшни хонадонлар маълум даражада зарар кўришига олиб келди.

Юқорида келтирилган ҳодисалар фақат ўз масъулиятсизлигимиз оқибатида рўй берганини англаб олиш қийин эмас. Шунинг учун Сизлардан доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб, газ ва электр жиҳозлардан фойдаланаётганда огоҳ бўлишга чақирамиз. Ёш болаларга ёнғин қандай хунук оқибатларга олиб келишини эслатиб турилинг.

**У. ВАФОЕВ,**  
катта лейтенант.

ХОТИРА ТУРНИРИ


# САФДОШЛАР ЁДИ — МУҚАДДАС!

Юртимизда инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, қадрини юксакка кўтарадиган, халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат ва мурувват туйғуларини намоён этадиган кўплаб хайрли тadbирлар амалга оширилмоқда.

Бир неча йилдирки, Навоий вилояти ИИБ ва унинг тизимларида футбол бўйича хотира турнири ўтказилиши анъанага айланган. Бу йил ҳам хизмат чоғида ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари — Жўрабек Очилов, Иноят Файзиев, Олимжон Юсупов, Бахтиёр Қулназаров хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.

— Мархумларни ёд этиш

тириклар учун ҳам фарз, ҳам қарз саналади, — дейди вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Р. Абдуллаев. — Бу йилги хотира турнирига катта тайёргарлик кўрилди. Мусобақа иштирокчиларининг руҳи баланд. Ўтказилаётган тadbир ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш ва чиниқишида катта аҳамиятга эга.



Мусобақа қизғин беллашувларга бой бўлди. Спортнинг волейбол ҳамда футбол турлари бўйича куч синашган жамоалар чиройли ўйин кўрсатиб, ўз маҳоратларини намоиш этишди. Айниқса, футбол ўйингоҳи байрамона тус олди. Майдонга тушган йигитлар собиқ сафдошлари хотирасини ёд этиб тўп сурдилар. Қизиқарли кечган мусобақалар чоғида вилоят ИИБ ЙХХБ ҳамда ЖИЭБга қарашли подполковник Ш. Шарипов бошлиқ жазони ижро этиш муассасаси жамоасининг устунлиги сезилиб турди.

Тadbир якунида голиб жамоалар бошқарма раҳбарияти томонидан пул мукофотлари ва қимматбаҳо совгалар билан рағбатлантирилди. Шунингдек, хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига алоҳида эътибор кўрсатилиб, совға-саломлар топширилди.

**Нигора РАХИМОВА, майор.**

**Суратда: мусобақадан лавҳа.**

Навоий вилояти.

АҚЛ ЧАРХИ


Ўтган сонда берилган машқларга мухлисларимиздан кўплаб жавоблар олдик. Аммо берилган биринчи машқ бўйича тўғри жавоб ололмадик. Иккинчи машқнинг жавобини **Жиззах вилояти Дўстлик тумани ИИБ ЖТСГ катта инспектори, капитан А. Назаров** тўғри топган.

**Жавоблар куйидагича:**


- I. 1) Фарзин F1; Фил F1X; 2) Фил F3+.
- II. 2) Фил A6; Рух A6X; 2) От B5+.

Навбатдаги машқларда ҳам оқлар бошлаб, иккинчи юришда қораларни мот қилади:

а)



б)



Жавобларингизни кутиб қоламиз.

## Табриклаймиз!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХ катта инспектори, капитан **Шерзод ШАРАПОВ**ни таваллуд куни билан самимий табриклаймиз. Бахт, омад ва оилавий саодат ҳаётининг мазмуни бўлиб қолишини чин дилдан тилаб қоламиз.

Сиз устозларингиз ва ҳамкасбларингизни беқийс ҳурмат қиласиз ва бир кун келиб шу инсонлардек азиз ҳамда ҳурматли бўлиб қолишингизга ишонамиз.

**Эхтиром ила, бир гуруҳ дўстларингиз ва оила аъзоларингиз.**

САЛОМАТЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

# ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКДАН САҚЛАНИНГ

**Юқумли ошқозон-ичак касалликлари кўпроқ йилнинг иссиқ пайтларида учрайди. Мазкур хасталикни қўзғатувчи микроблар ҳисобланади. Улар одам организмга ювилмаган мева ва сабзавотлар ҳамда ифлосланган кўллардан оғиз орқали тушири, ичак йўлларида кўпайиб, унинг деворларини шикастлайди. Шунинг учун нажасда шиллиқ модда ва қон бўлиши мумкин. Баъзи микроблар ўзидан токсин, яъни заҳар ажратиш хусусиятига эга. Ушбу токсин қонга сўрилиб, бутун танани заҳарлайди.**

Бу микроблар сувда, сут, гўшт ва гўшт маҳсулотларида, бошқа озиқ-овқатларда яшаш, қулай шароит туғилган ҳолларда кўпайиб хусусиятига эга. Касаллик қўзғатувчи микроблар қайнатилганда ва дезинфекцияловчи воситалар таъсирида ўлади.

Микроблар оғиз орқали одам организмга тушиши биланоқ касалликни қўзғатмайди. Дастлаб, маълум муддат давомида ичакларда кўпая бошлади ва ушбу вақт давомида касалликнинг белгилари юзага чиқмайди. Шу сабабли бу муддат, касалликнинг «яширин» даври дейилади. Ушбу давр турли хил касалликларда турлича бўлиб, ўртача бир неча соатдан 7-10 кунгача давом этиши мумкин. Кўп ҳолларда унинг давомийлиги ичак-

ка тушган микробларнинг миқдорига ва одам организмнинг касалликка қарши курашувчанлигига (иммунитетига) боғлиқ. Одам организми курашувчан бўлса, касаллик энгил ўтади. Аксинча, организмнинг курашувчанлик қобилияти паст бўлса, касаллик тез ривожланади ва оғир кечиши мумкин.

Баъзан, катта ёшдаги одамларда хасталик белгиларсиз кечади, лекин микроблар уларнинг нажаси, сийдиги, сўлаги билан ташқи муҳитга чиқади. Тиббиётда бу ҳолат «соғлом бактерия ташувчилар» деб юритилади. Баъзида эса касаллик аломатлари энгил намоён бўлиб, беморлар даволанмасдан юраверишади.

Ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликларининг ман-

баи — бемор одам ҳисобланади ва касалликни юқтиради. Шу сабабли бемордан қолган овқат қолдиқлари, сув, бемор фойдаланган идишлар, ўйинчоқлар, эшик тутқичлари, ҳожатхона анжомлари, туваклар ҳамда ишлатилишига қараб бошқа жиҳозлар ҳам касаллик чақирувчи микроблар билан зарарланган бўлиши мумкин.

Пашша, суварак ва шу каби ҳашаротлар касаллик тарқалишида ўз «ҳисса»сини қўшишади. Улар асосан ҳожатхона, ахлатхона ва кир ўраларида тухум қўйиб кўпаяди. Пашша ўзи билан миллионлаб микроб ва гижжа тухумларини олиб юради. Очiq қолган, истеъмолга тайёр озиқ-овқат маҳсулотларига қўниб, уларни ифлослантиради.

Юқумли ошқозон-ичак касаллигининг асосий белгилари, яъни ичнинг тез-тез ва суюқ кетиши, баъзи ҳолларда нажасда қон, йиринг бўлиши, кўнгил айнаши, қайт қилиш, тана ҳароратининг кўтарилиши ва дармон қуриши каби аломатлари кузатилади.

Ичнинг қайта-қайта суюқ кетиши ва қайт қилиш оқибатида бемор организми кўп суюқлик йўқотади. Йўқотилган

суюқлик билан организмдан кўпгина зарур озиқ моддалар, тузлар ҳам чиқиб кетади, бемор дармонсизланиб, тери қопламанинг эластиклиги йўқолиб, қуриб боради.

Ушбу касалликка чалинмаслик учун таомлар тайёрлаш, уларни дастурхонга тортиш ва истеъмол қилишдан олдин кўлларни совунлаб ювиш, болаларни ёшлигидан бошлаб, овқатланишдан олдин кўлларини ювиш ҳамда хомлигича истеъмол қилинадиган мева ва сабзавотларни ейишдан олдин водопровод сувидан тозалаб ювиш кераклигига одатлантириш зарур. Тез бузилувчи озиқ-овқатлар (сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари)ни доимо музлаткичда сақланг. Иссиқ клим шароитида овқатни бир маротаба истеъмол қилишга етадиган миқдорда тайёрлаш лозим. Фақат қайнатилган сув истеъмол қилинг. Тайёр озиқ-овқат маҳсулотларни усти очiq ҳолда қолдириш ярамайди. Маҳалла, куча ва хонадонларда ахлат тўпланиб қолишига йўл қўйманг.

**М. АЛЛАМУРАДОВ, майор.**

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ ЛИГАСИ

# ВАКИЛЛАРИМИЗ НИМЧОРАК ФИНАЛДА

Осиё чемпионлари лигаси беллашувларида мамлакатимиз шафари ни ҳимоя қилаётган Тошкентнинг икки номдор жамоаси — «Бунёдкор» ва «Пахтакор» гуруҳлар босқичининг сўнгги тур баҳсларини якунлади.

Мамлакатимиз чемпиони «Бунёдкор» ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Шабоб» жамоасини қабул қилди. Мазкур учрашув «D» гуруҳининг кейинги босқичга иккинчи ўринни эгаллаб йўл олувчи жамоасини аниқлаб бериши лозим эди. Шу сабабли бу ўйин иккала жамоа учун муҳим аҳамият касб этди. Бунёдкорчиларни дуранг натижа қониқтирса, амирлик футболчиларга фақат галаба керак эди.

Учрашувнинг илк дақиқалариданоқ майдон эгалари ташаббусни ўз қўлига олди. Бироқ дубайликлар дарвозасини ишғол қилиш учун «Бунёдкор» футболчиларига бироз аниқлик етишмади.

Иккинчи бўлимда ҳам Ҳикмат Эргашев шогирдлари меҳмонларга муносиб қаршилик кўрсата олишди. Аммо ўйиннинг асосий вақти ва қўшиб берилган дақиқаларда ҳам

икки дарвоза дахлсизлиги сақланди — 0:0.

«A» гуруҳининг сўнгги 6-тур баҳсида «Пахтакор» сафарда «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) жамоаси меҳмони бўлди. Ар-Риёда кечган беллашувда ҳар икки жамоа ҳужумкор ўйин намоиш қилди. Аммо учрашувда вакилларимиздан омад юз ўгирди. Ўйиннинг 37-дақиқасида «Ал-Ҳилол» ҳужумчиси Ал-Анбар боши билан Игнатий Нестеров дарвозасини ишғол қилишга муваффақ бўлди. 64-дақиқада мезбонлар

ҳисобни оширди — 0:2.

Турнир бошидан буён биринчи ўринни бўшатмай келаётган Виктор Жалилов шогирдлари гарчи «Ал-Ҳилол»дан аввалроқ нимчорак финал йўлланмасини ҳал қилган бўлса-да, гуруҳда иккинчи ўринга тушиб қолди.

27 май куни бўлиб ўтадиган нимчорак финал учрашувларида «Бунёдкор» сафарда «В» гуруҳи ғолиби Эроннинг «Персиполис» жамоаси меҳмони бўлса, «Пахтакор» «D» гуруҳи пешқадами «Ал-Иттифок» жамоасига қарши тўп суради.

1/8 ФИНАЛ ЎЙИНИ

**ФАРБИЙ МИНТАҚА, 27 МАЙ, ЧОРШАНБА**

- «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) — «Умм Салал» (Қатар)
- «Персиполис» (Эрон) — «Бунёдкор» (Ўзбекистон)
- «Ал-Иттифок» (Саудия Арабистони) — «Аш-Шабоб» (Саудия Арабистони),
- «Ал-Иттифок» (Саудия Арабистони) — «Пахтакор» (Ўзбекистон)

**ШАРҚИЙ МИНТАҚА, 24 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА**

- «Нагоя Грэмпус» (Япония) — «Сувон Блюингз» (Жанубий Корея)
- «Гамба Осака» (Япония) — «Кавасаки Фронтале» (Япония)
- «Касима Антлерс» (Япония) — «ФК Сеул» (Жанубий Корея)
- «Поханг Стилерз» (Жанубий Корея) — «Ньюкасл Жетс» (Австралия)

**А. ФАЙЗИЕВ.**

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

**ЧЕМПИОНЛАР НОМИ АНИҚ**

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси кетма-кет учинчи маротаба мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Миланнинг «Интер» жамоаси тўртинчи маротаба Апеннин оролларида тенгсиз, деб топилди. Испанияда эса Каталониянинг «Барселона» жамоаси 19 қарра мамлакат чемпионига айланди.

**ТОҒ ЧАНҒИСИ ҚИРОЛИ**

Беш қарра Олимпиада ўйинлари ғолиби, норвегиялик чанғичи Уле Эйнар Бьорндален 2009 йилги мавсумда «Тоғ чанғиси қироли» деган номга сазовор бўлди. 35 ёшли спортчи шу йили Жанубий Кореянинг

Пхенчхан шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида тўртта олтин медални қўлга киритган. Мазкур мусобақада Бьорндален 10 км. масофага спринт, 20 км. га якка тартибдаги пойга, 7,5 км масофага эстафета, 12,5 км. га таъқиб қилиш баҳсларида галаба қозонган.

**РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ**

Янги Зеландиялик Олимпиада чемпиони Валери Вили ядро улоқтириш бўйича Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган мусобақада янги рекорд ўрнатди. У улоқтирган ядро 20,69 метр масофага бориб тушди. Эслатиб ўтамиз, Вили Пекин Олимпиадасида 20,56 м. натижага эришган эди.

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

Раҳбарнинг тунд қиёфасидан таъби тирриқлиги шундоққина сезилиб турарди.

— Хўш, ўртоқ Сатторов, яхши юрибсизми? — сўради у рўпарасидаги стулга омонатгина чўккан Каримга ғазабнок кўзларини тикиб.

Карим эса бу кесатиклар боисини билолмай ҳайрон бўлди.

— Раҳмат, Раҳим Оллоёрович...

— Ҳа-а, шунақа денг! Тўғри, сиз яхши юрибсиз. Жамоода ҳурматингиз бор. Лекин менимча буларнинг бари сариқ чақага арзимайди. Ишонаверинг, шахсан менинг сизга бўлган ҳурматим бутунлай сўнди. Ахир мен санаган фазилаглар оқ сут берган онангизнинг хўрланиб юриши олдида қадрсизлигини миянгизга сиғдира оласизми?! Ўғилнинг савлатидан от хуркадию унинг онаси кўча-кўйда садақа сўраб, мўлтираб ўтирсан! Сизда диёнат борми ўзи?!

Каримнинг кўзлари тиниб, боши айланиб кетди. Юзи олов бўлиб ёна бошлади. Шу пайт эшик очилиб, котиба қиз пайдо бўлди.

— Кечаги онахон келдилар, кираверсинларми? — деб сўради киприкларини пирпиратиб.

— Ҳа, албатта, — деди бошлиқ ва ўрнидан туриб, эшик томон йўналди. — Марҳамат, кираверинг, холажон!

Ниҳоят Карим қачонлардир юз бериши муқаррарлигини эсласа, баданини жунжиктириб юборадиган воқеа содир бўлди. Ўтирган ўрнига шунақа ботиб қолгандики, қўзғалишга ҳам мадори етмасди.

Кампир афтидан кўзлари анча хира тортиб қолган шекилли, ҳадеганда бу ерда раҳбардан бошқа яна бир киши борлигини пайқамади. Мункиллаб бориб, Раҳим Оллоёрович кўрсатган стулга чўкди. Қошигача тушган, ранги униқиб кетган қалин рўмолини хиёл кўтарди. Атрофга разм солди.

Раҳбарнинг:

— Эси йўқ ўғлингиз ҳам шу ерда, холажон, — деган гапидан кейин Каримга разм солди.

— Ўзингизсан, болам? — деди инқиллаб ўрнидан тураркан.

Аммо Каримнинг ҳамон ўрнидан кўзгалмаганини кўриб ҳафсаласи пир бўлди чоғи, яна боягидек инқиллаб ўтириб олди.

Раҳим Оллоёрович кампирнинг ёнидан ўз ўрнига ўтди. Телефон гўшагини кўтариб, котибага ҳеч кимни киритмасликни тайинлади.

— Бўйингни бир кўрай деб

юрагим эзилиб кетди, болам! — деди аёл овози титраб. — Онанинг кўнгли болада, боланинг...

— Нима қиласиз бўйимни кўриб? — деб портлади Карим кутилмаганда.

Бу ҳайқириқдан нафақат кампир, балки Раҳим Оллоёровичдек одам ҳам бир чўчиб тушди.

— Болалигимни буллаганингиз каммидики, яна битмаган ярамни тирнагани келибсиз?!

...Бир кам дунё деганлари шу экан-да. Раҳматли падари бузруквори уни ва опаси Комиляни бўзлатиб, дорилбақо йўлини ихтиёр этганида у беш ёшли бола эди. Отанг вафот этди демасларидан бир кун олдин тушакка миҳланиб, бемажол ётган отаси уни ўзига яқинроқ

чорлади. Ранги захил тортиб кетганди унинг. Кейинги бирикки ҳафта ичида қоқсуякка айланган қўллари билан ўғилчасининг бошини силади:

— Сени ҳам, опангни ҳам жуда яхши кўраман, болам, менинг бор давлатим — икковингиз.

Карим эсини танибдики, отасининг йиғлаганини кўрмаганди. Энди эса нурсиз нигоҳларида ялтираётган ёшни кўриб, юраги алланечук бўлиб кетди. Юзини унинг кўксига босмаса, ўзи ҳам ўкириб юборишини англади. «Илоҳим бахтингни тўқис қилган бўлсин. Энди ўғлим, ёш бола эмассан, буни тушун. Жон бор жойда қазо бор. Сен эркаксан, опанг эса бировнинг хасми. Икковинг аҳил бўлинглар, уни ёлғизлатиб қўймагин...»

Шу пайт онаси келиб қолдию отасининг оғзидаги-оғзида, бўғзидаги-бўғзида қолди.

— Ҳой, нималар деб валдираяпсиз, эсингиз жойидами ўзи, муштдек болага ҳам шунақа гапларни айтадим одам?!

— Кўзим очиқлигида у-бу нарсаларни тушунтириб қўяй, дегандим-да онаси.

— Бир ойдан бери ваҳима қиласиз, кўрқманг, сиз ҳали бери ўлмайсиз! — онаси шундай дея хонтахта устидаги чойнак-пиёлаларни тарақлатиб йиғиштиришга тутинди. — Уф, алойи тамом бўлдим!

Кейин даҳлизга йўл оларкан, овозини хиёл пасайтириб:

— Ўладиган касалнинг ўлгани, қолганларнинг қутилгани яхши! — деди.

Бу гаплар кичкина Каримнинг нақ юрагига санчилди.

Онасининг отасини назарписанд қилмаслиги, доим ор-

тидан нолиб юриши, тез-тез юз берадиган даҳанаки жанглар ҳар сафар онасининг устунлиги билан яқун топишини Карим жуда яхши биларди. Бунақа жанжаллар уларнинг унчалик катта бўлмаган оиласида шунчаки оdatий ҳолга айланиб қолганди.

Аммо ҳозир вазият қалтироқ. Отасининг паймонаси тўлиб қолганлиги, эрта-индин жони узилишига ички сезгиси билан иқрор бўлган болакай бу сафар кўксига жуда кучли нафрат туйди. Унинг нигоҳида чақнаган ғазабни онаси ҳам сезмай қолмади.

— Нега менга бунчалар ола-япсан, ҳароми? — деди истиҳолани бутунлай унутиб.

Каримнинг юзига тарсаки тушиб қолишдан чўчиган ота эҳтимол сўнгги марта уни ҳимоясига олмоқчи бўлди.

— Ке, қўй, ҳеч нарса дегани йўқ-ку ахир!

— Ҳе, кўзинг чақчаймай ўл! — онаси шундай дея эшикни ташқаридан тарақлатиб ёпди.

Бола экан-да, Каримнинг дами ичига тушиб кетган, ломим дейишга журъат тополмаганди ўшанда. Эртаси куни яқинлари дод-вой қилишди. Карим эса кўзда ёш, дилда алам билан аёллар орасидаги онасини кузатди: устомонлигини-чи, кечагина ўладиган касалнинг ўлгани яхши экан, деб дағдаға қилганди, бутун эса уялмай-нетмай «вой, бегим»лашини қаранг! Лекин бу сафар ҳам ҳаммасини ичига ютишдан ўзга чора тополмади.

Отасининг қирқи ўтгандан кейин онаси бутунлай ўзгариб кетди. Уйда қариндошларми, қўни-қўшниларми бўлса, оғзидан бол томар, ўзига ва опасига ўта меҳрибон бўлиб қолар, ёлғиз қолишганда эса вишиллаб захар сочишдан, «Отангга ўхшаб, сенлар ҳам бошимга бало бўлдинг» дейишдан, энг хунук сўзларни қалаштириб қарғашдан орланмасди.

Ўртоғи Маҳкамнинг гаплари дард устига чипқон бўлди.

— Ойинг суюқоёқ экан, Карим, — деди у бир кун пичирлаб. — Кеча далам ойимга шунақа деганини эшитиб қолдим.

Бу гапнинг нечоғлик ростлигини Карим кейинроқ англаб етди. Онаси вақти келса, кун бўйи кўзгу олдида кетмас, ўзига оро беришдан зерикмасди. Юпқа лабларини янги калишнинг ичидек қизилга бўяб олгани етмагандек, қовоқларига кўкимтир бўёқ чаплар, қалам ташлашлари ҳам аввалгига ўхшамас, ғалати эди.

(Давоми бор).

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**  
Фарғона вилояти.

**ГЕННАДИЙНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?**

2009 йилнинг 3 апрель куни Тошкент вилояти ИИБ ҲООбга бевосита бўйсунувчи Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига Чирчиқ шаҳар ИИБ ҲООб ВЕОҲОҲ ходимлари томонидан шаҳар худудида қаровсиз юрган, тахминан 8 ёшларда бўлган, ўзини **Геннадий** деб таништирган бола олиб келинган. Сўхбат чоғида отасининг исми **Сергей** эканлигини, яқинлари, турар манзили ҳақида бирор маълумотга эга эмаслигини билдирган.



**Белгилари:** бўйи 90-100 см, сочи сарғиш, кўзлари кўк, қошлари сарғиш, ёйсимон.

**Кийимлари:** қизил куртка, яшил свитер, кўк футболка, жигарранг трико, қора кроссовкада бўлган.

**Болани таниган, яқинлари, турар жойи ёки бошқа бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Тошкент вилояти ИИБ ҲООбга бевосита бўйсунувчи Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш марказига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

**БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН**

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ томонидан 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 1994 йилда туғилган **Куантай Бекимбетов** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 2008 йилнинг 6 август куни болалар ёзғи дам олиш оромгоҳидан сабабсиз чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 120-130 см, кўзлари қисик, сочи ва қошлари тўғри, қора. **К. Бекимбетовни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Қорақалпоғистон Республикаси ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ томонидан 1972 йилда туғилган **Абдухамид Ганиевич Ҳакимов** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У Тошкент шаҳар Учтепа тумани Раҳимбобоев кўчаси, 36-уй, 15-хонадонда яшаган. 2008 йилнинг 12 июнь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 160-165 см, оғзин, кўзлари, сочи ва қошлари қора, тўғри.

**А. Ҳакимовни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА**

2005 йилнинг 20 ноябрь куни Зангиота туманидаги Бўзсув каналидан тахминан 35-40 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб аёл кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 165 см, қиррабурун, қулоқлари ўртача катталикда, лаблари қалин.

2005 йилнинг 16 июнь куни Зангиота туманидаги ЮқориТошкент каналидан тахминан 45-50 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 165 см, бурни катта, сочи қора, қулоқлари ўртача, лаблари қалин, муйлови бор.

**Кийимлари:** жигарранг шимда бўлган.

**Алоҳида белгилари:** чап кўлининг бош бармоғида «М» ҳарфи туширилган татуировка бор.

2005 йилнинг 22 октябрь куни Зангиота тумани Рамадан маҳалласидан оқиб ўтувчи Рамадан каналидан тахминан 35-40 ёшлардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 175 см, бур-

ни катта, сочи қора, қулоқлари ўртача, лаблари қалин.

**Юқоридаги шахс номаълум кимсаларни таниган, улар ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Зангиота тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**ҚИДИРИЛМОҚДА**

Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган **Дилзодаҳон Шавкатжоновна Диканова** қидирилмоқда. У 1985 йилда туғилган. Шаҳрихон тумани Қитнақўрғон қишлоғида яшаган.



**Д. Дикановани кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Шаҳрихон тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**Наманган вилояти Уйчи тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган куйидаги шахслар қидирилмоқда.**

**Исақжон Ҳамидович Нишанов.** 1966 йилда туғилган. Уйчи тумани Дехқон маҳалласи Т. Собиров кўчасида яшаган.



**Белгилари:** бўйи 165-170 см, қошлари, кўзлари, сочи қора.

**Кийимлари:** мавсумий.

**Мухриддин Абдумуталиевич Мамадалиев.** 1962 йилда туғилган. Уйчи тумани Исломобод маҳалласи, Бой кўчасида яшаган.



**Белгилари:** бўйи 165-170 см, қошлари, кўзлари, сочи қора.

**Кийимлари:** мавсумий.

**Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Уйчи тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истефодаги лейтенант **Чори ХУЖАМУРОДОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят «Динамо» ЖТСЖ раиси ўринбосари, подполковник Ҳаким Ҳайитовга қизи **СУРАЙЁНИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ жазони ижро этиш манзил колонияси раҳбарияти ва шахсий таркиби муассаса тартибот гуруҳи тезкор вакили, катта лейтенант Бехзод Мустафакуловга онаси **ОЙША аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

